

Асқарова Ўғилой

МИЛЛИЙ ҒУРУР ТАРБИЯСИ



ЎФИЛОЙ АСҚАРОВА

Миллий ғурур тарбияси

(Меҳрибонлик уйлари мисолида)

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2003

Гурури йўқнинг шуури йўқ, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, миллий гурури юксак инсон ватанини, халқини, давлатини, миллатини севишга, қадрлашга қодирдир. Миллий гурурли инсонлар ҳалол ва фидойидирлар. Зотан, миллий истиқлол тараққиёти учун шундай фуқаролар зарурдир.

Бир нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, собиқ шўро тузуми даврида ҳам, мустақилликдан кейин ҳам миллий гурур тарбияси махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Ҳатто, „миллий гурур“ атамаси ҳеч бир луғатда учрамайди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур рисолада юқорида зикр қилинган долзарб муаммолар дадил кўтарилган ҳамда улар маҳаллий мисоллар ёрдамида таҳлил ва тадқиқ қилинган.

Бу китоб умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, Меҳрибонлик уйлари ўқувчи ва ўқитувчиларига мўлжалланган.

Тақризчилар: **М. Ҳайдаров**, педагогика фанлари доктори,
М. Маҳмудов, филология фанлари номзоди.

A86

Асқарова Ўғилой.

Миллий гурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). — Т.: „Ўқитувчи“, 2003. - 96 б.

ББК 74. 200. 25

271440

A 4303000000 - 4 буюртма варағи - 2003

353(04) - 2003
ISBN 5-645-03985-8

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2003

Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга, умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик тантанасидан кейин халқ хўжалигининг барча соҳаларида кескин бурилишлар бўла бошлади. Жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий, ижтимоий, ҳуқуқий ва шу каби йўналишлар бўйича ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқини бутун дунёга танитишга ҳамда тан олдиришга сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов буюк давлатнинг келажагини белгилаб берувчи ислоҳотларимизнинг асосий беш тамойилини кўрсатиб берди. Улар халқимизнинг ўзига хос руҳияти, ҳаёт ва турмуш тарзи ҳамда миллий қадриятлари ва анъаналарига асосланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, ислоҳотларнинг тўртинчи тамойили кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, қариялар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, у халқ руҳиятини мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган.

Юртбошимиз „Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари“ деган асаида шундай ёзади: „Ғанимлар нималар деб сафсата сотмасин, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг тутган йўли қатъий ва мустаҳкам: биз доимо меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, хотиржамликни сақлашга содиқ бўлиб қолаверамиз. Ватандошларимиз бир-бирларига елкадош, аҳил-иноқ бўлиб яшашида, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтож кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизнинг кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймиз“¹.

¹ **Каримов И.А.** Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т., „Ўзбекистон“, 1993, 41- бет.

Бу доно фикрлар маъно-мазмуни етим-есирларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим-тарбия бериш каби муҳим масалалар билан бевосита боғлиқдир. Зеро, етим-есирларга ғамхўрлик деганда, биринчи навбатда Меҳрибонлик уйларини қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Боқувчисидан маҳрум бўлган етим-есирларга ғамхўрлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам кафолатланган. Шунингдек, „Таълим тўғрисида“ги Қонун, „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ талабларида ҳам боқувчисидан айрилган болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш ва уларни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида тарбиялаш масаласи қўйилган.

„Таълим тўғрисида“ги Қонуннинг 20- молдасида шундай дейилган: „Етим болалар ва ота-оналарнинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг қаровсиз қолган болаларнинг таълими ва таъминоти тўлалигича давлат ҳисобидан амалга оширилади. Етим болалар қонун билан белгиланган тартибда давлат томонидан қўллаб-қувватланади“¹. Бу мустақиллик тантанаси ва республика ҳукумати олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсатнинг шарофатидир.

Шунингдек, боқувчисидан у ёки бу сабаб билан маҳрум бўлган етим-есирларга ғамхўрлик қилиш муқаддас „Авесто“ ва Қуръони Каримда ҳам, Муҳаммад пайғамбаримиз Ҳадисларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, ал-Бухорий, ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро каби алломаю ўламоларимиз ҳам етим-есирларга кўмак қилиш, хайр-садақа инъом этиш савоб эканлигидан таълимот беришган.

Демак, боқувчисидан маҳрум болаларга кўмаклашиш, уларни тарбиялаш ўзбек халқининг азал-азалдан урф-одати ва анъанасига айланган. Шу маънода Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларни ҳар томонлама муҳофаза қилишни давлат тасарруфига олиш каби мурувватли сиёсатга, миллий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган бўдиб, бу оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик йилларида Меҳрибонлик уйлари фаолиятини яхшилашга доир махсус қонунлар чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фар-

¹ Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонуни, „Маърифат“ газетаси, 1992 йил.

мойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг Қонун ҳамда қарорлари, норматив ҳужжатлари эълон қилинди. Шу ҳужжатлар асосида „Меҳрибонлик уйи тўғрисида Низом“ ишлаб чиқилдики, бу тарихий аҳамият касб этади.

Ўша Низомнинг 1- қисм 3- моддасида шундай дейилган: „Меҳрибонлик уйининг асосий вазифаси оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий меҳнат мослашуви-га ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга кўмаклашувчи уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратишдир“¹. Бу вазифани амалга оширишда, энг аввало, таълим-тарбиянинг роли бениҳоя каттадир. Шундай экан, ногиронлик уйларида таълим-тарбияни илмий асосда ташкил қилиш муҳимдир.

Демак, Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш, шакл ва усулларини ишлаб чиқиш давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масаладир.

Тўғри, юқори синф ўқувчиларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва оилавий тарбия муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Чунончи, М. Очиллов, К. Ҳошимов, О. Мусурмонова, Сафо Очил, М. Инъомова, О. Тўраева, А. Мунавваров, Ғ. Шоумаров, Р. Жўраев, М. Ҳайдаров сингари олимларнинг илмий кузатишлари шулар жумласига киради.

Тадқиқотчи Сафо Очилнинг „Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари“ (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида) монографиясида етим-есирларни ҳар томонлама қадрлаш, уларга таълим-тарбия бериш, ёшларда ўз Ватанидан фахрланиш туйғуларини шакллантириш масалалари методологик йўсинда ўрганилган.*

Олим К. Ҳошимовнинг қатор тадқиқотлари мактаб-интернатда тарбияланувчи болалар, ўсмирларни тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва усулларига бағишланган бўлиб, уларнинг Меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбия билан анча муштарақлиги бор.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59- сонли Қарорига 3- илова, „Меҳрибонлик уйи тўғрисида Низом“, „Маърифат“ газетаси, 1995 йил, 29 март.

Олима О. Мусурмонованинг „Оила маънавияти — миллий ғурур“ деган асарида оилада миллий ғурурни шакллантириш ва юксалтириш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Э. Тўхтамуродовнинг „Болалар уйларида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари“ мавзусидаги номзодлик диссертациясида эса етим болаларни оилага тайёрлаш муаммоси тадқиқ этилган.

Бироқ, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга бағишланган ҳеч бир илмий кузатиш олиб борилмаган. Зеро, миллий ғурурни таркиб топтириш ва уни тарбиялаш ўз-ўзини англаш, кимлигини, тарихини билиш билан бевосита боғлиқдир. Дарҳақиқат, ғурури йўқ ва ўз қадрини билмаган кишидан эзгу ишларни кутиш қийин.

Бас, шундай экан, болалар ва ўсмирларда миллий ғурурни таркиб топтириш ва тарбиялаш ҳозирги замон педагогика фанининг асосий талабларидан биридир. Қолаверса, Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида тарбиялашнинг самарали йўл ҳамда усулларини ишлаб чиқиш ва уларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш вазифаси кўндаланг турибди.

Чунончи:

— Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни таркиб топтиришда кучли ижтимоий сиёсатнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

— Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялаш жараёнидаги зарурий педагогик омиллардан фойдаланишнинг шакл ва усулларини аниқлаш;

— миллий ғурурни шакллантириш ва тарбиялашнинг таъсирчан ҳамда самарали йўл ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тажрибада синаб кўриш;

— Меҳрибонлик уйларидаги ўсмирларда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш тизимини яратиш;

— тадқиқот мавзусига доир илмий-услубий тавсиялар тайёрлаш ва шу кабилар.

Мавзу ва қўйилган муаммонинг янгилиги қуйидагилардан иборат:

1. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва педагогик аҳамияти биринчи марта илмий-назарий асосда ўрганилди.

2. Мумтоз педагогика ва халқ педагогикасида илгари сурилган илмий ғоялар, миллий ғурурни шакллантириш учун зарур бўлган миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, шунингдек, ўзбек халқининг маънавий-маърифий маданиятидан фойдаланган ҳолда ғурур ва миллий ғурур ҳамда уларнинг мезонлари ишлаб чиқилди.

3. Оила муҳотида ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар ўртасидаги руҳий тафовутлар ва уларнинг ботиний кечинмалари, ҳолатлари илмий-қийёсий йўсинда тадқиқ этилди.

4. Меҳрибонлик уйларида ўсмирларнинг миллий ғурурини тарбиялашга бевосита таъсир қилувчи жамоа, маҳалла, оталиқ ташкилотлар ва корхоналар, маданий-маърифий муассасалар билан Меҳрибонлик уйлари ўртасидаги узвий алоқа-муносабатларнинг тарбиявий аҳамияти илмий-назарий йўсинда ўрганилди.

5. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни таркиб топтириш ва такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл ва усуллари, восита ва омиллари миллий истиқлол ғояси ва мафқураси талаблари асосида ёритилди.

Шунингдек, мазкур қўлланмада илгари сурилган педагогик-дидактик ғоялар, ижтимоий-педагогик қоидалар, илмий-назарий фикрлар, унда кўрсатилган омил ва воситалар, шунингдек, унда берилган услубий тавсиялардан Меҳрибонлик уйлари ўқитувчилари ва тарбиячилари фойдаланишлари мумкин;

— миллий ғурурни тарбиялаш муаммоси умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари мисолида ҳам ўрганилмаган. Шунинг учун бу иш юқорида зикр қилинган ўқув муассасалари муаллимларининг тарбия фаолиятида ҳам асқатиши табиий;

— қўлланманинг маъно-мазмуни, илмий-амалий хулосалари ва натижалари Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилари учун тузиладиган ўқув дастурлари, ўқув ва услубий қўлланмалар, дарсликлар яратишда ёрдам беради.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ НЕГИЗИ СИФАТИДА

Давлатни бошқаришда жуда бир муҳим масала борки, у ҳал қилинса ва унга муттасил амал қилинса, давлатнинг обрўсига обрў қўшилади, шуҳрати тобора орта боради. Агар шу зарурий масала ҳал қилиниб, янада равнақ топса, давлат ички сиёсатининг барча соҳаларида юксалиш бўлаверади, шу заминда ахлоқий-маънавий юксалиш салмоғи ортаверади. Бу — кучли ижтимоий сиёсатдир.

Шу ўринда Муҳаммад алайҳиссаломнинг икки-уч ҳадисларини келтириш зарур. Чунончи: „Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман“; „Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир“.

„Қаровсиз қолган мўминлар оилаларига кечаю кундуз моддий ёрдам кўрсатиб юрувчи одамнинг гуноҳларини Тангри кечириб юборади“¹.

Шу учта ҳадис мамлакатдаги ижтимоий сиёсат бўйича деярли барча нарсаларни ўз ичига қамраб олган. Биринчи ҳадисда етим-есирларга моддий, маънавий ва маърифий ёрдам кўрсатиш, уларни катта қилиш, оёққа қўйиш ва, ниҳоят, жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялаш вазифалари қўйилади. Бу инсонпарварликнинг жуда яхши намунасидир. Иккинчи ҳадисда бева қолган аёллар, бизнинг ҳозирги тилғимиз билан айтганда, ёлғиз оналар, уларнинг фарзандларига ёрдам кўрсатиш гоёси илгари сурилади. Бизнингча, ҳадис фақат покиза ва ҳалол ёлғиз оналарни назарда тутяпти. Суюқ оёқ аёлларни эмас, албатта. Шунингдек, бу ҳадис мискин-бечораларга кўмаклашишга чақиради. Шундай одамлар бўладики, қандайдир офатга учраб ёки оғир касаллик туфайли, ёки майиб-мажруҳ бўлиб, хуллас, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши сабабидан ҳар томонлама ночор аҳволга тушиб қоладилар. Бу табиий ҳолдир. Шундай одамлар гоёт мискин-бечоралик азобини тартадилар. Улар ҳам, инсонлару давлат эътибор назаридан қочмасликлари лозим. Учинчи ҳадис қаровсиз

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, „Фан“, 1990, 56, 98, 151- бетлар.

қолган оилаларга ғамхўрлик қилиш каби муътабар ва инсонпарварлик вазифасини қўяди. Шу ҳадислар маъно-мазмунида қарияларга, талабаларга ёрдам бериш масалалари ҳам турибди.

Абу Мусо ат-Термизий ҳадисларидан бирида шундай дейилади: Ойша (розияллоҳу анҳо) шундай ривоят қилдилар: „Бир аёл икки қизчасини етаклаб, уйимизга кириб келди ва емак тилади. Уйда бир дона хурмодан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Уни бердим. Аёл уни олиб, иккита қизчасига берди. Ўзи емади. Кейин ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Бу ҳақда Расулуллоҳ (Саллоллоҳу алайҳи васаллам)га гапирдим. Расулуллоҳ: „Кимгаки Оллоҳ таоло қиз фарзандлар ато этган бўлса, улар унга дўзахдан паноҳ — парда бўлади“, — дедилар¹.

Энди унинг бошқа ҳадисига эътибор беринг: „Саҳл ибн Саъд ривоят қилишича, Ҳазрат Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: „Етимни тарбия қилган киши жаннатда мен билан бирга, ёнма-ён шундай бўламиз“, деб икки кўрсаткич ва ўрта бармоқларини жуфтлаб кўрсатдилар².

Ат-Термизий биринчи ҳадисда қиз болалар тарбиясининг оғирлиги ва уларга янада кучлироқ эътибор бериш зарурлигига ишора қиляпти. Бизнинг бу борадаги миллий тарбия анъаналаримиз асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Чунки қизлар кўнгли ярим деб қаралган. Зотан, қизларнинг кўнгли нозик бўлади. Бошқа ҳадисида ат-Термизий етимлар тарбиясига диққат-эътиборни қаратади. Ахир, бола ўзининг хоҳиш-иродаси билан эмас, аччиқ тақдир ва қисмат натижасида етим бўлиб қолган. Зотан, етим-есирларга кўмаклашиш иймондандир.

Ат-Термизий бошқа бир ҳадисида „ҳақиқий садақа фақир-бечораларга қилинган садақадир“³ деб таълим беради. Шу ўринда ислом дини ва тасаввуф илмининг халқ ўртасидаги обрў-эътибори ниҳоятда устун бўлганини алоҳида

¹ **Абу Мусо Термизий.** Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. Тошкент, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 44- бет.

² Ўша асар, 45- бет.

³ **Уватов Убайдулла.** Донолардан сабоқлар. Тошкент, А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994, 27- бет.

таъкидлаш лозим. Бунинг сабаби, уларда ижтимоий масалаларга катта аҳамият берилгани ва амалдаги ижроси назорат қилинганлигидадир.

Шу нарсага, яъни ижтимоий муҳофазалаш қоида-қонунларига аждодларимиз доимий амал қилиб келганлар. Шу фикримизга улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг қуйидаги ўғитлари далилдир: „Қариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келганча эҳсон қил. Лекин камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтин ташимоқни уддаласа, унга эҳсон қилмоқ — исроф қилмоқдир“¹.

Алишер Навоий икки масалани қўяди. Қарияларга хайр-эҳсон қилиш, яъни уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга раҳм-шафқат қилиш, бу инсонпарварлик ақидасидир. Бироқ, меҳнатга лаёқатли йигитлар, ёшлар ўзлари меҳнат қилиб, ўзларини ва оилаларини боқишлари қарз ҳам фарздир. Бу уларнинг оталик ва оналик бурчларидир.

Демак, кучли ижтимоий сиёсат ўзбек халқининг миллий анъанасидир. Унга подшоҳлар, хонлар, ҳокимлар, бойбадавлат инсонлар ҳамиша аҳамият бериб, амал қилиб келганлар. Шу йўлдан борган давлат салтанатининг умри узоқ бўлган. Бу тарихда синалган ҳақиқатдир.

Ўзбекистон истиқюлга эришгандан кейин Президентимиз зикр қилинган ислом динининг, дин арбобларининг, тасаввуф илми яловбардорларининг таълимотларини пухта ўрганганлиги, атрофлича тадқиқ этганлиги 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъно-мазмунидан яққол сезилиб турибди².

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳукуратимиз кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик, адбатта, Меҳрибонлик уйларига эътибор билан бевосита боғлиқдир.

¹ **Алишер Навоий.** Маҳбуб-ул қулуб. Тошкент, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 86- бет.

² **Сафо Очил.** Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида). Т., „Ўқитувчи“, 1997, 43—44- бетлар.

Меҳрибонлик уйлари етим-есир болалар ва ота-онаси қаровидан ҳамда оила муҳитидан маҳрум бўлган болалар учун давлат интернати тамойилидаги таълим-тарбия муассасасига айлантирилди ва давлат тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари жиҳатдан ҳам, хўжалигининг таъминоти жиҳатдан ҳам, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ҳам давлат томонидан таъминланади. Қолаверса, уларнинг барча ҳуқуқлари махсус қонунлар орқали кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39- моддасида шундай дейилган: „Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга“¹. „Боқувчисидан маҳрум бўлганда“ сўзлар бирикмасига „Отаси ёхуд онаси вафот қилган болалар“ маъноси юклатилган. Ва айни чоғда, ўша сўзлардан ота-онасидан маҳрум бўлиб, боқувчисиз қолган етим болаларни ҳам тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64- моддасида юқоридаги қонун — фикр янада ойдинлаштирилади: „Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради“². Бу қонун, бизнингча, тўғридан-тўғри Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларга тегишлидир.

Бу етим-есирларга, ва айниқса, Меҳрибонлик уйлари-га нисбатан ижтимоий ҳақиқат ва адолат тантанасидир. Қолаверса, етим болаларни боқиш баробарида уларни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси талаблари асосида тарбиялаш, ўқитиш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб етиштириш педагогик рағбатнинг худди ўзгинасидир.

Айниқса, Меҳрибонлик уйига мустақил юридик шахс мақомининг берилиши диққатга сазовор. Демак, бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., „Ўзбекистон“, 1993, 16—17- бетлар.

² Ўша жойда, 21- бет.

юридик шахс (давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари каби)ларга қандай ҳуқуқлар берилган бўлса, Меҳрибонлик уйи ҳам шундай ҳуқуқларга эгадир. Бу, ўз навбатида, Меҳрибонлик уйлари ҳўжалик юритиш, ўқув-тарбия ишларини олиб бориш, истаган ташкилот ёхуд муассасалар билан муомала-муносабатда бўлиш жиҳатдан ҳам мустақилдирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59- сонли „Меҳрибонлик уйи тўғрисида“ги Қарори Ўзбекистонда етим-есирларга меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва болапарварликнинг ёрқин нишонасидир. Мазкур қарорда Меҳрибонлик уйлари ни ташкил қилиш, мавжудларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларнинг мустақил юридик шахс сифатида тан олиниши, улар фаолиятини уюштириш, гуруҳлардаги болалар сонини санитария ва гигиена нормалари асосида белгилаш, тарбияланувчиларни ҳар хил ёхуд бир хил ёшдаги гуруҳларга бирлаштириш, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи раҳбар, ходимлар, ўқитувчи-тарбиячилар ва техник хизматчиларнинг меҳнатини қадрлаш ва айни чоғда, уларнинг масъулиятини ошириш ва шу кабилар ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатда Меҳрибонлик уйлари-нинг жойлашиш ўрни, ўша жойнинг экологик жиҳатдан қулай бўлиши ҳам назарда тутилган.

Шу нуқтага назардан, зикр қилинган тарихий қарор ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва тиббий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу қарор ўзбек халқининг миллий қадриятларига, анъаналарига, шарқона ақидаларига тўла асосланган бўлиб, у Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларнинг руҳиятига, ботиний туйғуларига ижобий ва самарали таъсир қилишга тўла хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59- сонли „Меҳрибонлик уйи тўғрисида“ги Қарорига асосан „Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низом“ ишлаб чиқилди. У етти қисмдан иборат бўлиб, Меҳрибонлик уйи фаолиятига доир барча масалалар ва тадбирларни қамраб олган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Умумий қоидалар.
2. Ўқув-тарбия жараёни тузилмаси ва уни ташкил қилиш.
3. Тарбияланувчилар.

4. Кадрлар.
5. Меҳрибонлик уйини бошқариш.
6. Молиявий-хўжалик фаолияти.
7. Халқаро ҳамкорликда қатнашиш.

Биринчи қисмда Меҳрибонлик уйларининг етим болаларга мўлжалланган махсус давлат интернат таълим муассасаси экани, унинг ҳукумат қарор ва фармойишларига ҳамда норматив ҳужжатлар ва зикр қилинган Низомга амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиши таъкидланади. Шунингдек, унда тарбияни уй шароитига иложи борича кўпроқ яқинлаштириш муҳитини яратиш вазифаси кўндаланг кўйилади.

Низомда кўрсатилишича, Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг умумий сони 240 нафардан ошмаслиги лозим. Гуруҳлар бўйича ҳам сон кўрсаткичлари кўрсатилган. Масалан, 4 ёшгача бўлган болалар гуруҳида — 10 нафар, 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар гуруҳида — 16 нафар, 7 ёшгача бўлган турли ёшдаги болалар гуруҳида — 12 нафар, гуруҳ ва синфлардаги ўқувчилар сони I—IX синфларда 25 нафар қилиб белгиланган.

Гуруҳ ва синфларда болалар сонининг бундан камроқ қилиб белгиланиши таълим-тарбияни педагогик технология асосида олиб боришга ёрдам беради ва ўқитувчи-тарбиячилар учун болаларга индивидуал таъсир кўрсатишга имконият яратади.

Иккинчи қисм ўқув-тарбия жараёни тузилмаси ва уни ташкил қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда давлат интернат таълим муассасаларининг турлари ва фаолияти кўрсатилган. Чунончи, мактабгача тарбия Меҳрибонлик уйи; мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун ёки фақат мактаб ёшидаги болалар учун Меҳрибонлик уйи; жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун махсус Меҳрибонлик уйи ва шу кабилар. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш лозимки, Низомда тарбияланувчиларни ўқитиш Меҳрибонлик уйларига яқин бўлган бошланғич (I—IV синф), таянч (V—IX синф), ўрта (X—XI (XII) синф) мактабларда ёки бошқа ўқув муассасалари (лицей ва бошқалар)да, шунингдек, Меҳрибонлик уйининг ўзида белгиланган тартибда ташкил қилинган таянч (ёки фақат бошланғич) мактабда амалга оширилиши кўрсатилган.

Низомнинг иккинчи қисмида етим болаларнинг руҳий-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ўқув дастурларини, маънавий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини таълашга табақалаштирилган тарзда ёндошиш, болаларнинг шахсий ижодий қобилиятларини ўстириш, тарбияланувчиларнинг шахсий эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, бўш ва дам олиш вақтларини тўғри ташкил қилиш ва шу каби таълим-тарбия мақсад ҳамда вазифалари ўз аксини топган. Ҳуллас, Низомда оила муҳитида тарбияланаётган болалар қандай машғулотлар билан шугуллансалар, Меҳрибонлик уйлари болаларига ҳам шундай муҳитни яратиш каби педагогик ғоя илгари сурилади.

Учинчи қисм тарбияланувчиларнинг ўзларига бағишланган бўлиб, йил давомида қабул қилинувчилар қуйидаги тоифаларга бўлинади: чунончи, етим болалар, суд қарори билан ота-онасидан ажратиб олинган болалар, ҳукм қилинганлиги туфайли ота-оналикдан маҳрум этилган, узоқ муддатли даволанишда бўлган ёки турар жойи аниқланмаган ота-оналарнинг болалари ва ҳоказолар.

Шунингдек, Низомда Меҳрибонлик уйларига 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг қабул қилиниши кўрсатилган. Қолаверса, Меҳрибонлик уйларига қабул қилиш тартиблари, тегишли ҳужжатларнинг тақдим қилиниши аниқравшан қайд қилинган.

Низомнинг 1- ва 2- иловаларига мувофиқ, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак билан таъминланишлари ҳам кўрсатилган.

Кадрлар масаласига бағишланган тўртинчи бўлимда Меҳрибонлик уйига педагог-ходимларнинг контракт асосида қабул қилиниши, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари, турли касблар бўйича мутахассисларни жалб этиш, психолог-ходимларни қабул қилиш сингари вазифалар назарда тутилган. Шу ходимлар Меҳрибонлик уйи фаолиятини, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш, экскурсия ва саёҳатлар ташкил этиш каби ишларни амалга оширадилар.

„Меҳрибонлик уйини бошқариш“ қисмида унинг давлат-жамоатчилик бошқаруви ва демократия, ошкоралик ва ҳуқуқий тамойиллар асосида олиб борилиши, муассаса жамоаси билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги,

ўзини-ўзи бошқариш, ходимлар ва тарбияланувчиларнинг бурчлари ва масъулияти, ҳуқуқлари, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериш масалалари кўрсатилган. Дарҳақиқат, Меҳрибонлик уйини бошқариш тизими тарбияланувчиларни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим ўринни эгаллайди.

Олтинчи қисм молиявий-хўжалик фаолиятига бағишланган бўлиб, у Меҳрибонлик уйи учун ниҳоятда зарурдир. Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базаси зарурий иморатлар, коммуникациялар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари, спорт иншоотлари, хуллас, унинг учун муҳим бўлган барча мол-мулкларни ўз ичига қамраб олади. Юқорида зикр қилинган ва бошқа нарсаларни ҳисоб-китоб қилиб борувчи бухгалтерия ишлари ва статистика ҳисобини олиб бориш тартиби шу қисмга киритилган.

Еттинчи бўлимда Меҳрибонлик уйларининг хорижий мамлакатлар билан тегишли фаолият ва масалалар бўйича алоқа ўрнатиши ҳамда ҳамкорлик қилиши ва шу каби масалалар билан боғлиқ барча ҳуқуққа эга эканликлари ифодаланган.

Юқорида „Меҳрибонлик уйи тўғрисида Низом“нинг маъно-мазмунини, унинг Меҳрибонлик уйларига нисбатан ҳукумат ғамхўрлиги, таълим-тарбияга самарали таъсирига тўхталиб ўтилди. Бу Мустақиллик даврида олиб борилган ётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мевасидир.

Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов шундай ёзади: „...фуқароларнинг, айниқса, кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда муҳим“¹.

Зотан, Меҳрибонлик уйлари ва уларда тарбияланувчи етим болалар ёки боқувчисидан маҳрум бўлган болалар давлат ва жамиятнинг мададига муҳтождирлар.

Агар кучли ижтимоий сиёсат тўлалигича амалга оширилар экан, шу заминда ахлоқий-маънавий юксалишлар салмоғи орта боради. Дарҳақиқат, ислохотларнинг иккин-

¹ Қаранг: Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А. Каримов асарлари мисолида), Т., „Ўқитувчи“, 1987, 48- бет.


чи босқичида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш юксак поғонага кўтарилди. Бу Меҳрибонлик уйларига қилинаётган ғамхўрлик билан белгиланади.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг амалда кенг қўлланилиши туфайли Меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбия ишлари ривожланди, такомиллашмоқда. Ва айтиш чоғда, Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирларда ўзини-ўзи англаш, ватанидан, халқидан, ўтмиши ва бугунидан фахрланиш туйғулари шаклланимоқда. Бошқача қилиб айтганда, Меҳрибонлик уйларига ғамхўрлик кучли ижтимоий сиёсатнинг негизидир.

Кўриниб турибдики, кучли ижтимоий сиёсат туфайли Меҳрибонлик уйларига давлат ва нодавлат ташкилотлари, оталиқ ташкилотлари, жамоатчилик ёрдам бериб келмоқда. Бу тадбирлар миллий гурурнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Демак, Меҳрибонлик уйларидаги ўсмирларда миллий гурурнинг шаклланишига таъсир муайян бир тизимни ташкил этади. Бу тизим қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

1- жадвал



Жадвалда кўрсатилган тизимда кучли ижтимоий сиёсатнинг давлат ва нодавлат ташкилотларга, оталиқ ташкилот, корхона ва муассасаларга ҳам дастуруламал экани, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги, унинг вилоят ва шаҳар бошқарма ҳамда бўлимлари орқали кучли ижтимоий сиёсатнинг Меҳрибонлик уйларида амалга оширилиши, қолаверса, „Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низом“ нинг доимий ва узвий амалда қўлланилиши ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, кучли ижтимоий сиёсат амалда татбиқ этилиши Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларда шаклланиб келаётган миллий ғурурни тарбиялаш ва шу миллий ғурур ҳосиласи бўлиб, Ватанга муҳаббат, халқига садоқат туйғуларини янада такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ВА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликдан кейин ҳукуматнинг барча ички ва ташқи сиёсати, ислохотларнинг биринчи босқичида олиб борган оламшумул сиёсати ва иккинчи босқичда амалга ошираётган тарихий-умумбашарий ишлари туфайли бутун дунёга танилди ва тан олинди. Бу ўзбек халқининг миллий ғуруридир.

Миллий ғурур ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало, **ғурур** нима?, сўнгра **миллий ғурур** мазмуни қандай? деган саволларга тўхталиш зарур. Чунки, миллий ғурурни таркиб топтириш ва тарбиялаш каби педагогик-психологик муаммони ҳал қилиш зикр қилинган сўз ва сўз бирикмалари маъноси билан бевосита боғлиқдир.

Ғурур сўзи *фаҳр, ифтихор, фаҳрланиш, мағрур, қувонч, қувониш* каби маъноларни англатади. Мумтоз шеърят ва насрларда, фаҳрия, баллада ва дostonларда, халқ оғзаки ижодида ҳам юқоридаги сўзлар маънодош (синоним)ларидан фойдаланилган.

Баъзан **ғурур** сўзи *кибрланиш, кибру ҳаво, гердайиш, ўзига бино қўйиш, манманлик* сингари маъноларни ҳам ташийди. Биз ижобий маънодаги **ғурур** ҳақида фикр юритамиз.

Миллий ғурур муайян миллатнинг тарихий ўтмишидан, миллий қадриятларидан, жаҳон миқёсида асрлар оша тан олинб келинаётган фан, дин, адабиёт, санъат ва мада-

ният ютуқлари ва уларни яратган даҳолардан, тарихий обида ва ёдгорликларидан, миллий урф-одатларию, анъаналаридан, ота-Ватанидан, доно халқидан, Ватанининг гўзал ўтмиши ва бугунидан, миллий халқ қаҳрамонларидан фахрланиш ва ифтихор қилиш туйғусидир.

Дарҳақиқат, „Миллий ғурусиз ҳеч бир миллат миллат сифатида равнақ тополмайди“¹.

Кимнингки ғурури йўқ,
Ониким шуури йўқ.

Ғурур ўзини ўзи англаш, **миллий ғурур** эса миллий ўз-ўзини англаш билан бевосита боғлиқдир. Тилини, динини, тарихини, аждодларининг мазмунли ҳаётини, оламшумул кашфиётларини яхши билган, ўрганган кишигина ўзининг кимлигини англаши мумкин ва унинг қалбида, вужудида ва руҳида фахрланиш туйғуси вужудга келади. Шунингдек, унда аждодларига содиқ қолиб, „... ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради“². Дарҳақиқат, агар юрагида ғурур бўлса, инсон ўзидаги бор имкониятларни ишга солиб, иродасини расо ушлаб, барча хислат ва фазилатларини юзага чиқаришга интилади.

Юртбошимиз миллий ғурур тўғрисида шундай ёзади: „Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асослангандир. Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг **миллий ғурурини** (таъкид бизники — С.О., Ў.А.) маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга, умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз“³. Зотан, миллий ғурур миллатнинг қадр-қимматини, ор-номусини, шон-шарафини тушуниб етган, англаган инсондагина бўлади.

Демак, ҳар бир зиёли, ҳар бир педагог олдида ёш авлод қалбида миллий ғурурни таркиб топтириш, шакллантириш ва такомиллаштириш вазифаси турибди. Айниқса,

¹ Ўзбекистоннинг миллий мафкураси, Т., „Ўзбекистон“, 1992, 75- бет.

² **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Т., „Ўзбекистон“, 1992, 75- бет.

³ Ўша жойда, 77- бет.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида миллий ғурурни таркиб топтириш ва тарбиялаш ниҳоятда муҳим бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Чунки, улар ота-онадан, оиладан ва маҳалладан маҳрум бўлгани учун кўнгли ўксикдирлар.

Меҳрибонлик уйига қабул қилинган болалар қисмати нега шундай, деган маънавий-ижтимоий муаммо кўтарилади. Зеро, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз қайта тикланмоқда, инсоний қадр-қиммат қарор топяпти, меҳрмурувват ишлари мустақкам боғланмоқда. Болаларнинг ота-онадан маҳрум бўлиш тақдири нима билан боғлиқ?

Статистик маълумотларга кўра, республикамиз миқёсида кунига 500 нафардан ортиқ йигит-қиз оила қуришмоқда. Ҳар соатда 70 нафардан ортиқ бола туғилаётганлиги маълум. Лекин оиладаги қўйди-чиқдилар ҳам оз эмас. Масалан, матбуот маълумотларига қараганда, Наманган вилоятида 1991 йилда 1323 та, 1992 йилдан 1997 йилнинг 15 декабригача 834 та никоҳ бекор қилинган. Натижада 3282 нафар вояга етмаган болалар ота ёки она меҳридан маҳрум бўлишган. Бундан ташқари, Наманган вилоятида 250 нафар ўғил-қиз ота-онасиз бўлиб, ёрдам ва тарбияга муҳтождирлар. Тўғри, Наманган вилояти болалар жамғармаси 30 нафар етим болаларни ўз оталиғига олган, улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, Наманган вилояти Меҳрибонлик уйида 130 нафар, Андижон вилояти Меҳрибонлик уйида 110 нафар етим болалар тарбияланмоқда. Давлатимиз уларнинг ҳар бири учун йилига ўртача 330 минг сўм пул сарфламоқда.

Айрим ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан масъулиятсизлиги туфайли шундай қўйди-чиқдилар оқибатида, шунингдек, айрим ота-оналарнинг бағритошлиги сабабли гуноҳсиз болалар етим, қаровсиз қолиб, Меҳрибонлик уйларида паноҳ топмоқдалар. Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги 28 та Меҳрибонлик уйларида ота-онасининг боқувидан маҳрум бўлган 3287 нафар етим болалар тарбияланмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, етим-есирларга қанчалик ғамхўрлик кўрсатилмасин, бу ҳеч қачон оила ва ота-оналарнинг ўрнини босолмайди.

Шундай экан, бу муаммони ижобий ҳал этиш учун қуйидаги зарурий муаммоларга диққат-эътиборни қаратмоқ лозим:

— маънавий-ахлоқий тарбия ва ахлоқ-одобга оид туб ислохотларни оиладан бошлаш, уларни мусулмон эътиқоди асосида ташкил этиш ва кучайтириш;

— болаларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда рўй берган ва бераётган қусурларни бартараф этиш ва тўғри йўлга қўйиш учун мазкур муаммо ўтмишда қандай бўлганлиги ва ҳозирги кунда нималарга амал қилинаётганини таҳлил этиш;

— таҳлил натижалари асосида илмий хулосаларга таяниб, оилада тарбия концепциясини яратиш ва амалий таклифлар бериш.

Тадқиқот жараёнида болаларнинг етим бўлиб қолиши билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг қуйидаги сабаблари аниқланган:

— инсон ҳаётини мазмунли ташкил қилувчи оила ва унинг аъзоларига, оила турмуш тарзига, оила равнақига бўлган нотўғри муносабат;

— оилада ота-боболаримиз, халқимиз яратган анъана, урф-одат (расм-русум)га нописандлик билан қараш;

— ҳаётда гуноҳ, хиёнат, меҳрсизликка юз тутган бағритош инсонлар етарли даражада тартибга чақирилиб, тегишли чора-тадбирлар қўлланилмаётгани ва бошқалар.

Бундай камчиликларни бартараф этиш учун Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг психологиясини чуқур ўрганиш зарур. Шу боисдан „Меҳрибонлик уйининг асосий вазифаси оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий меҳнат мослашувига ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга кўмаклашувчи уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратишдир“¹. Ўзбек халқининг асрлар мобайнида тупланган тарбия ҳақидаги тажрибалари, фикрлари ғоят кўпдир. Болаларни босиқликка, софдилликка, илмли бўлишга ўргатиш, ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби сифатларни шакллантиришга катта аҳамият бериб келинган. Оила тарбияси, оилада бола тарбиясидаги ота-онанинг роли, меҳроқибат, оиладаги ўзбекона урф-одатлар, анъаналарнинг

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сонли қарорига илова. „Меҳрибонлик уйи тўғрисида Низом“. „Маърифат“ газетаси, 1995 йил 29 март.

болалар тарбиясига бевосита таъсири педагогика тарихида ёрқин кўрсатилган. Ўзбек халқининг тарихига мурожаат қилар эканмиз, қизиқарли бир ҳолатни кузатамиз: ҳамма даврда, ҳар доим ўзбек халқида ота-онасидан жудо бўлиб, қаровсиз қолган болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиш фазилати анъанавий равишда ривожланиб келган. Боқувчисини йўқотган болалар барча даврларда ҳам жамиятни ташвишга солган. Бу муаммони ечиш Марказий Осиёда ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, XI асрда янаб ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб давлатнинг масъул кишилари қашшоқ, тул-етимларга меҳрибон, кўнгилчан бўлиш лозимлигини, хусусан, уларнинг эҳтиёжларига алоҳида муносабатда бўлишни уқтирган. Юсуф Хос Ҳожиб ана шу тоифага тўғри ва илиқ муносабат чин адолатнинг мезонларидан биридир, дейди. Айни шу фикрлар Аҳмад Яссавий ҳикматларига ҳам хосдир:

Фариб, фақир етимларни кўнгил ошлаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдан қочдим мано.

Ёки:

Фариб, фақир етимларни кўнгил шодмон,
Ҳалқалар қилиб азиз жонинг айла қурбон.
Таом топсанг, шонинг бирла қилғил меҳмон,
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айтдим мано¹.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий „Ихлосия“ мадрасаси қошида ота-онасидан етим қолган болалар учун мактаб очган ва уларни ўз ҳисобидан кийим-кечак, озиқ-овқат ва ўқув қуроли билан таъминлаган. Алишер Навоийнинг шу хайрли иши кейинчалик анъанага айланиб кетган.

Бу анъаналарни бузганлар жамоат аҳли томонидан қаттиқ қораланган. Жумладан, XVII асрда яшаган машҳур шоиримиз Турди Фароғий шундай ёзади:

Беклар ўлди, ҳаромзодалари нософи,
Бемеҳосил чала номанд қалин надфи,
Егани ҳаққи етим мадрасалар авқофи,
Буларнинг олдида бордир бўрининг инсофи,
Бу оламдин кетайин бош олиб мулк Ироқ.

¹ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1992, 21—22- бетлар.

Етимларнинг бошини силаб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берган Қўқон хони Худоёрхон даврида етим-есирлар, ота-онасидан етим қолган болаларни саройга тўплаб тарбиялаганлар. Баъзи ночор оилалар ҳам болаларини хон табиясига топширишган. Чунки саройда болалар ўқитилган, сарпо, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаб турилган. Шунингдек, уларни хилма-хил хунарларга ўргатилган.

Тарихий ҳужжатларни кўздан кечирсак, хазиначилар, қуриқчилар, кичик лашқарбошилар исмида „сағир“ қўшимчаси учрайди. Демак, етим-есирлар, қаровсиз қолган болалар тақдири билан давлат ҳам шуғулланган. Бу иш жамоа ва жамият учун ҳам катта савоб, деб қабул қилинган. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, қадимдан халқнинг етимлар ҳақида ўз фикри, ўз қарашлари бўлган. Булар жумласига қуйидагилар киради:

Етимлик назоратсизлик демакдир. Етимлик бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади ҳамда унинг тегишли ахлоқий-маънавий фазилатлардан бебаҳра қолишига сабаб бўлади. Шунга кўра, айрим нохуш хусусиятли ва феъл-атворли кишиларни халқ орасида етимлик билан боғлиқ ҳолда талқин қилинишини кузатиш мумкин.

Етимлик — кишининг ижтимоий-маънавий имкониятларига тўсиқдир. Чунки, бунда ота-она мадади, уларнинг ҳимояси бўлмайди. Бу фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳам кучини кўрсатиб туради. „От ориқликда, қиз етимликда кўримсиз“, „Етим бой бўлмас, бой бўлса ҳам бойвачча бўлмас“.

Етимлик — маънавий мажруҳликдир. Халқ етимлар кўнглининг ўзига хос жароҳатларини яхши тасаввур этади. Шунинг учун ҳам уларга паноҳ ва таянч бўладиган воситаларга ишора қилади. Уларнинг кўнглини олиш учун йўл кўрсатади: „Етимнинг кўнгли ярим“.

Етимлик ижтимоий ҳимоядан холидир. Зеро, етимликдаги болалар деярли ҳуқуқсиз кишилар бўлишган. Ўтмишимизда уларнинг ҳуқуқини муҳофаза этиш билан махсус ташкилотлар деярли шуғулланишмаган. „Етим ўз ишини қилиб, киши миннатини эшитар“, „Етим қизга елпиғич ҳам чикора“, „Етимнинг оғаси кўп, жонига фойдаси йўқ“.

Етимлик иқтисодий ночорликдир. Ижтимоий муҳофаза-сизлик етимлар аҳволини қийинлаштиргани маълум. Шунга

кўра, уларнинг кўпчилиги, ҳатто қорин тўйдириш учун ҳам талай азоб-уқубатлар кечиришган. „Етимнинг бир тўйгани, чала бой бўлгани“.

Етимлик жамият эътиборини қаратиш шарт бўлган ҳодисадир. Ўзбекона инсонийлик, болажонлик, шу халққа хос бўлган куюнчаклик етимлар манфаатини ҳеч бўлмаса жамоатчилик асосида ҳимоя қилишга ундаб келган. Бир қатор мақолларда ана шу эзгу руҳ балқиб туради: „Етимни йиғлатма“, „Етимни етим дема“, „Етимнинг ҳақини ема“, „Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритган“, „Сағирнинг ҳақи — тангрининг ўқи“.

Етим. Ота-онаси ёки улардан бири ўлган бола. Халқ орасида ота-онаси вафот қилиб, ёлғиз қолган бола „Чин етим“, онаси билан қолган бола „Гул етим“, отаси билан қолган бола „Шум етим“, айрим ҳолларда отаси ёки онаси томонидан ташлаб кетилган болаларни „Тирик етим“ деб аташганлар.

Жаҳонда кўпгина халқларда бўлгани каби Марказий Осиё халқларида ҳам бола етим бўлиб қолса, уларни қариндошлари ёки ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари ўз қарамоғига олиб тарбиялаганлар. У „Асранди бола“ деб аталган.

Дарҳақиқат, етим болаларни асраб олиш, уларга ҳомийлик қилиш ўзбек халқининг анъанаси бўлган. Халқимиз шу эзгу хислатга ҳамиша содиқ қолган.

Собиқ Шўро давлати даврида болалар уйлари, турли интернатлар очилган. Ўша муассасаларга боқувчисидан маҳрум бўлган болалар қабул қилинган ва тарбияланган. Аммо бундан кўзланган мақсад қандай эди? Болалар уйдаги етимлар миллий тарбия анъаналаридан бутунлай узоқ бўлган. Уларни қайси ғоя ва мафкура асосида тарбиялаш болалар уйлари тарбиячи-ўқитувчиларига боғлиқ. Болалар уйларидаги таълим-тарбия миллийликдан тамоман узоқлашган. Собиқ коммунистик тарбия ғоялари ва мафкураси болалар онгига сингдирилган. Миллий қадриятлар ва анъаналар, миллий фикр ва тафаккур, миллий ғурур ва ифтихордан бутунлай узоқлаштирилган. Кўпчилик ҳолларда улар ҳатто ўз она тилларини ҳам билмаганлар. Болалар уйида тарбияланган етимлар тўтиқуш ёхуд манқурт бўлиб етишганлар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида болалар уйларининг сони 40 та бўлиб, уларда 7166 нафар бола тарбияланган¹.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз ўртасида инсонпарварлик, дўстлик ва бир-бирига меҳрибонлик туйғулари шундай намоён бўлдики, ота-оналаридан айрилган ва бутунлай етим қолган турли миллат болалари серкуёш юртимизда, ўзбек хонадонларида бошпана топишди.

Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1942 йил 2 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган хотин-қизлар фаоллари йиғилиши қатнашчиларининг мурожаатида Ўзбекистонимизга келган болаларнинг биронтаси ҳам бошпанасиз ва оналик меҳру муҳаббатидан маҳрум бўлиб қолмаслиги ҳақидаги фикр янграган.

Мазкур мурожаат эълон қилинганидан кейин бир неча кун ичида 643 оила, 69 та жамоа эвакуация қилинган талайгина ўғил-қизларни ўз тарбиясига олади. Ўша йили сентябрь ойигача 1015 нафар бола оилаларда тарбияланишга, 303 нафари эса фарзандликка берилди. Шундай оилалардан бири Тошкентлик Маҳкамовлар оиласи турли миллатга мансуб 14 нафар болани фарзандликка олди ва вояга етказди.

Ўша даврда республикамизда 214 та болалар уйи бўлиб, унда 20 минг нафар бола тарбияланар эди. Шунга асосан, Наманган вилояти 1942 йил январь ойида Гова қишлоғига жойлаштирилган собиқ „Комсомолец“ болалар уйида — 145 нафар, бошқа болалар уйида 82 нафар, Намангандаги „Тўлқин“ жамоа хўжалигида жойлашган 16- болалар уйида 102 нафар, кўшни жамоа хўжалиги болалар уйида 270 нафар, Поп тумани марказидаги „Воровский“ номли болалар уйида 117 нафар, Янгиқўрғон туманидаги „Красная Украина“ болалар уйида 176 нафар, Шаҳанд қишлоқ кенгашидаги „Донбас—3“ мактаб болалар уйида 69 нафар, Наманган шаҳридаги кўзи ожиз болалар уйида 125 нафар, ҳаммаси бўлиб 1252 нафар бола тарбияланди. Улар билан шуғулланувчи назоратчи ташкилотлар шаҳар ва туманларда ҳам ташкил топди.

¹ Қаюмов Б. „Ўзбекистонда мактабдан ташқари болалар тарбияси муассасалари фаолиятининг педагогик асослари“ АКД, Т., 1993, 2—4- бетлар.

Шу тариқа, Ўзбекистонга турли миллат болаларидан жами 200 минг нафар бола эвакуация қилинди. Уларни боқиш, тарбиялаш ва соғлиқларини сақлаш бўйича ташаббуслар билан чиқилди. Жумладан, Фарғона водийсида ҳам болалар уйлари очилди. Андижон вилоятида 1933 йилгача 6 та болалар уйи, ҳозирда 2 та (Пахтаобод туманида ҳамда Андижон шаҳрида, Марҳамат туманида эса ногиронлар уйи) бор. Фарғона вилоятида ҳам ўнга яқин болалар уйлари бўлган. Қўқондаги болалар уйи 1919 йилда ташкил қилинган. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида 3 та Меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатиб келмоқда (Марғилонда, Қўқонда, Фарғона шаҳрида). Ҳозирда Фарғона шаҳридаги мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбияланадиган Меҳрибонлик уйлари қолган.

1943 йил Наманган вилоятида 20 дан ортиқ болалар уйлари мавжуд бўлиб, уларда 2257 нафар бола тарбияланарди. Уйчи, Янгиқўрғон туманларида ва Наманган шаҳрида учта болалар уйлари барпо этилди. Ҳозирда битта Меҳрибонлик уйи бор. Бундан ташқари, 2 та ногирон болалар уйи ҳам мавжуд.

Фақат ўзининг боласигина эмас, балки бошқа ҳамма болаларни севиш, эҳтиётлаш, уларнинг тарбияси билан шуғулланиш керак. Етим-есирларнинг бошини силаш, кўнгилларини шод айлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш халқимизнинг азалий удуми ва анъаналаридан биридир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин республикамизда болалар уйлари фаолияти янада яхшиланди. Чунки, ота-онасиз етим болаларни истаган томонга оғдириш ва хоҳлаган руҳда тарбиялаш осон кечади. Шунинг учун уларга „Ҳамма нарса болалар учун“ шиори остида ғамхўрлик қилинди. Болалар уйларида яшаётган айрим болаларни ота-оналари ўз юртларига олиб кетишди. Қанчадан-қанча болалар Ўзбекистонда қолиб кетишди. Уруш даврида ва ундан сўнг фаолият кўрсатиб келаётган Тошкентдаги Антонина Хлебушкина раҳбарлик қилган таниқли 21- болалар уйи фикримизнинг далилидир.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён кўплаб саховатли ҳомийлар, маҳалла кўмиталари, „Соғлом авлод учун“ болалар жамғармаси орқали Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга, кам таъминланган оилаларга, ногирон-

ларга ёрдам кўрсатилмоқда. Уларга турли хил совға-саломлар, кийим-кечаклар берилиб, уларнинг номларига омонат пул дафтарчалари очилмоқда.

Ўзлигимизни англаш муносабати билан маҳаллаларимизда етим ва қаровсиз қолган болалар аниқланган. Бунга мисол қилиб, Наманган шаҳрида яшовчи Иноятовлар оиласини олиш мумкин. „Соғлом авлод учун“ жамғармасининг саъй-ҳаракатлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ёрдами билан Иноятовлар оиласи ҳозирги кунда 5 нафар етим болани тарбиялаб, вояга етказмоқда. Косонсойлик Раъно опа эса фарзанд кўрмади. Аёл етимпарварлик йўлини танлади. 1985 йил декабрида биринчи болани ўз тарбиясига олди. Секин-аста опанинг болалари етти нафарга кўпайди. Улардан беш нафари ўғил, икки нафари қиз. Ҳозир опа еттита қудалик, бир қанча набиралик бўлди. Унинг фарзандлари одобли, ҳаётда ўз ўринларини топишган. Етимпарвар опа эса иззат-икромда яшамоқда.

Наманган шаҳридаги Зарафшон маҳалласида яшовчи Маҳкам ака оиласи эса маҳалла қўмитаси ёрдами билан олти нафар қаровсиз қолган болаларни тарбиялаб келмоқда. Ҳозирда бундай оилалар сони талайгина. Норин тумани, Норин жамоа хўжалигида яшовчи Алибоева Сотқинжон хола, Темировлар, Жабборовлар оилалари шулар жумласидандир.

Наманган вилояти бўйича етим ва қаровсиз қолган ўғил-қизларни намунали тарбиялаётган оилаларнинг тажрибаларини тарғиб этиб, болалар жамғармаларининг вилоят бўлимлари оилалар билан моддий ва маънавий ҳамкорликни амалда йўлга қўймоқдалар.

Келажагимиз бўлмиш ёшларнинг моддий ва маънавий камолотига ёрдам берувчи барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда муассасалар, маҳалла қўмиталари, оилаларнинг инсонийлик йўлида олиб бораётган ёрдамларини тўғри ташкил этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Айрим ҳолларда ота-онасиз қолган болаларни уларнинг яқин қариндошлари ўз тарбиясига олиб, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишади. Бу ҳолларнинг амалга ошиши „Меҳрибонлик уйлари“ да тарбияланаётган ўғил-қизлар сонининг камайишига олиб келмоқда. Иймон талаблари, ахлоқий-маънавий қоидаларда ота-онага ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қўшнига, йўловчи мусофирга ва қўл остидагиларига яхшилик қилиш ўз ифодасини топган.

Бугунги миллий уйғониш шароитида, моддий-маънавий ҳаёт тарзи шаклланаётган даврда халқимизнинг, шу жумладан, тарбиячи-мураббийлар ва ўқитувчи-педагогларнинг асосий вазифаси Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларни онгли, юксак маданиятли, миллий ғурурли қилиб тарбиялашдан, уларда ватанпарварлик, байналмилаллик, фуқаролик бурчини ҳис этишдек зарур сифатларни муҳассамлаштириш муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Президентимиз И.А. Каримов саъй-ҳаракатлари туфайли миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш бугунги куннинг бош масаласи қилиб қўйилди. Айниқса, Ватан, ватанпарварлик, ота-она қадр-қиммати, аждодлар тарихи, бой маданияти билан мустақил давлат келажиги бўлган ёшларни баркамол инсон қилиб вояга етказишда миллий истиқлол мафкураси ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Жамиятимиздаги айрим ёшларнинг ҳаёти, тарбияси оилада, ота-она бағрида эмас, балки Меҳрибонлик уйларида кечяпти. Турли сабаблар билан етимликка дучор бўлган болалар ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий „оғриғи“ бўлиб келган ва келмоқда. Яна ҳам ачинарлиси шундаки, айрим болаларнинг ота-оналари тирик бўла туриб, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаяптилар. Бу ҳодисаларнинг объектив сабаблари бор ва улар ҳар хилдир. Агар Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларнинг тақдирига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг ота-оналари ўз фарзандларидан воз кечган кимсалар (уларни ота-она дейиш қийин), айримлари эса руҳий касалликка чалинганлиги, жиноят қилганликлари туфайли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, ҳаётдан бевақт кўз юмган кишиларнинг фарзандлари эканлигини кўрамиз. Буларнинг объектив сабаблари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ота-онасидан айрилиб, етим бўлиб қолганлиги сабабли.
2. Онаси бор, отаси вафот этганлиги сабабли.
3. Отаси бор, онаси вафот этганлиги сабабли.
4. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги сабабли.
5. Ота-онаси қамоқдалиги сабабли.
6. Ота-онаси ташлаб кетганлиги сабабли.
7. Ота-онаси ногирон бўлганлиги сабабли ва ҳоказо.

Бундай ҳолатларни Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган барча Меҳрибонлик уйларида кузатдик.

Меҳрибонлик уйлари	Ҳолатлар кўрсаткичлари								
	Жами бола сони	Ота-онасиз етимлар сони	Онаси бор	Отаси бор	Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум	Ота-онаси қамоқда	Ота-онаси ташлаб кетган болалар	Оиласи кам даромадли болалар сони	Ота-онаси ногирон
Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги 2-Меҳрибонлик уйи	95	19	16	14	13	3	1	20	9
Андижон вилояти, Пахтабод туманидаги Меҳрибонлик уйи	110	22	18	14	11	11	5	18	11
Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи	130	18	39	15	16	17	1	16	8
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи	90	10	17	13	14	17	2	10	9
Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги Ибодиев номли 12-Меҳрибонлик уйи	108	18	23	14	8	12	—	20	13
Ж а м и:	533	87	113	70	62	60	9	84	50

Ҳозирги кунда республикамизда 35 минг нафардан ортиқ турли сабабларга кўра етимликка дучор бўлган ўғил-қизлар 26 та Меҳрибонлик уйларида давлат таъминоти ҳисобидан таълим-тарбия олишмоқда. Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг маънавий имкониятлари чекланганлигига қарамай, у ерда тарбияланувчи ўсмирларда миллий гурур ва ватанпарварлик туйғулари уларнинг баъзи ҳаракатларида акс этиб туради. Лекин уларда Ватан, миллий гурур ҳақидаги фикрлар чекланган. Улар Ватан ва Ватанни улуғловчи шеър, ҳикоя ва бошқа бадиий асарларни билишади-ю, миллийликнинг моҳиятини яхши англашмайди. Бу туйғуларни тарбиялаш яхши йўлга қўйилмаганлиги тадқиқот жараёнида аниқланди.

Демак, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўсмирларда миллий гурур ва ватанпарварлик сифатларини шакллантириш зарур. Бунинг учун:

— миллий урф-одат ва анъаналаримизни Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар ҳаётига кенгроқ жорий этиш;

— ўсмирларда миллий гурурни шакллантириш мақсадида халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш;

— умуминсоний қадриятларимизни ва миллий меросимиз, адабиёт ва санъатга оид маънавий ва маърифий тадбирларни кўпайтириш зарур.

Аждодларимизнинг етим-есирларга меҳр-мурувватли, меҳр-оқибатли, саховатли, меҳр-шафқатли бўлишгани бизларга аён. Халқимизнинг бу маънавий-ахлоқий қарашлари доимий анъанага айланиб кетган. Шу фикримизни тасдиқлаш мақсадида бир неча кишилар билан суҳбатлар ўтказдик.

Андижонлик Эътибор Исмоилова шундай ҳикоя қилади: „Биз укам билан ҳовлида ёлғиз қолганмиз. Кейин билсак, отам Исроил Исмоиловни ўлдириб юборишган экан. Онам Кўпайсин Исроилова очарчиликдан вафот этган. Мен беш ёшимда, укам Иброҳим эса уч ёшида етим қолдик. Маҳалла оқсоқоли бизни етаклаб, элликбошига олиб борди. Элликбоши укамни етимлар ҳужрасига топширди. Мени эса ёлғиз турадиган Қизлархон аммага қиз қилиб беришди. Ҳужрага борганимизда ўзимизга ўхшаш катта-кичик ҳар хил болаларни кўрдик. Укам Иброҳим ҳужрада қолиб, хат-саводини чиқарди ва ўша ерда ишлаб юрди. Унинг

яшаш жойи шу хужра бўлиб қолди. Кейинчалик билсам, шу хужра етим болалар тарбияланадиган ва саводини чиқарадиган жой экан“.

Андижон вилояти, Избоскан туманида истиқомат қилувчи Тошхон момо Сиддиқова эса ота-онасини умуман эслай олмайди. Уни аммаси Роҳат буви боқиб, вояга етказганлиги, иккита ўғил укалари етимхона хужрасида тарбияланиб, савод чиқарганлигини ҳикоя қилиб берди.

Андижон вилояти, Избоскан тумани, Тўрткўл қишлоғида яшовчи Жуманазар Туланов бешта укаси билан ота-онадан эрта жудо бўлганлигини ва қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар яқиндан ёрдам беришганлиги ҳамда Жуманазар ота маҳалла ёрдамида оила қуриб, тўртта укаси ва битта синглисини уй-жойли қилганини эслайди.

Норин жамоа хўжалигида яшаб ўтган Жўра ота ва Бувиниси холалар фарзанд кўришмади. Улар биргалашиб, олдиларига етимпарварликни мақсад қилиб кўйдилар. Икки ўғил ва бир қизни фарзандликка олиб, уларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Уларнинг катта ўғиллари Эргаш ва Каримбой акалар давлат муассасаларини бошқариб келишган. Ҳозирда ўзларидан кўпайишиб, неварачеварали бўлиб кетишган.

Бу ҳаётий далиллар, ҳаётий-амалий педагогик тажрибалар, ўтмишда шундай етимпарвар инсонлар кўплаб топилганини тасдиқлайди. Шу ижтимоий-маънавий педагогик ҳодисалар миллий гурурнинг амалдаги кўринишидир. Қолаверса, халқнинг қўшни оилаларда ёхуд маҳаллаларда етим қолган болаларга саховатли бўлиш одоби ва одати унинг руҳидаги миллий гурурнинг чуқур илдиз отганини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, миллий гурурнинг халқ педагогикасидаги ёрқин амалий кўринишидир.

Бадий асарларда ҳам етимлик муаммоси, ўсмирлар дунёси, гурур туйғуси, ватанпарварлик акс этган. Биз уларни таҳлил қилдик. Масалан, Ф. Фуломнинг „Ёдгор“, Худойберди Тўхтабоевнинг „Беш болали йигитча“, Раҳмат Файзиевнинг „Ҳазрати инсон“, Шухратнинг „Етим бошини силаганлар“ каби қисса ва романларида турли тавсифдаги қаҳрамонлар орқали етимлар ҳаёти акс эттирилган. Поляк педагоги Иде Мержяннинг „Ойи, мени яхши кўрасизми?“ деган китобида болалар уйда тарбияланувчи етимларнинг аҳволи, уларнинг маънавий эҳтиёжлари чуқур баён этилган.

Айниқса, Ғ. Ғуломнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида ёзган „Сен етим эмассан“ шеъри бадиий юксак, мазмун йўналиши ихчам, маънавий-руҳий жиҳатдан жуда таъсирчан бўлиб, педагогик-психологик жиҳатдан тарбиявий салмоқдор шеърий баллададир.

Юртбошимиз уруш туфайли ота-онасидан айрилган етим болалар, уруш ва таъқиблар қурбонлари ҳар доим Ўзбекистондан бошпана топганликлари, шунингдек, ўзбек халқининг дўстлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик анъаналари, ва ниҳоят, шу ғояларнинг „Сен етим эмассан“ шеърида ўз ифодасини топгани хусусида шундай ёзади: „Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. „Сен етим эмассан“ — уруш йилларида ўзбек қалбидан ота-онасидан ва киндик қони тўкилган хонадонидан жудо бўлган болаларга қарата ана шу юрак сўзлари янгради. Ўша кезларда халқ шоири Ғ. Ғулом қуйидаги дард сўзларини ёзган эди:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор“¹.

Юртбошимиз тилга олган бу шеър ўзбек халқи меҳрибон қалбининг кўзгусидир. Етим-есирларга мурувват кўрсатиш, бошини силаш, бошпана бериш асрлар оша етиб келган ўзбекларнинг миллий анъанасидир.

Оммавий ахборот, ойнаи жаҳон, радио эшиттиришлар, журнал саҳифалари, рўзномалар орқали кузатишлардан маълумки, ҳар йили март ойларида Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар учун совға-саломлар берилади

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Т., „Ўзбекистон“, 1992, 66—67- бетлар.

ва уларга концерт дастурлари намойиш қилинади. Шунингдек, „Альманах“ кўрсатувида мажруҳ болалар интернатидаги шарт-шароитлар ҳамда мажруҳлик сабаблари ёритилади. Радио эшиттиришларда меҳр-оқибат, мурувват, етим-есирларга ёрдам, Ҳадиси Шарифлардан намуналар ўқилади. „Маърифат“, „Наманган ҳақиқати“ рўзномасида ҳам Меҳрибонлик уйларига алоқадор тарихий далиллар, у ердаги болалар ҳаёти, давлат таъминоти, болаларнинг нотўғри тарбия қурбони бўлгани каби мавзулар Э. Алижонов, Ш. Йўлдошев, Муҳайё Ўктамхон қизи ва бошқалар томонидан ёритилган. Бу маълумотлар ҳозирги вақтдаги бошқа муаммоларга қараганда жуда оз бўлиб, айнан Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларнинг миллий ғурур туйғусини ўстиришга қаратилмаган.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантириш учун бу жараённинг самарадорлигини таъминловчи педагогик-психологик омилларни аниқлаб олиш тақозо этилади. Кузатишларимиз натижаси шу педагогик воситаларни қуйидагича аниқлашга ёрдам берди:

— таълим-тарбия мазмуни, шакл, усул ва воситаларнинг миллийлиги;

— ижтимоий омиллар: таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, мустақиллик, эркинлик, ошқоралик ва тенглик;

— ҳудудий омиллар: ўсмир яшаётган ўлка миллий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари, бойлиги, тарихий ўрни ва аҳамияти;

— Меҳрибонлик уйи ва синф моддий-техника базаси: Меҳрибонлик уйининг кутубхона фонди, музей, маънавий, миллий қадриятларни, ўзбекона урф-одатларни ва анъаналарни ўрганиш марказлари, тўғарак фаолияти мазмунининг ранг-баранглиги.

Ушбу омилларнинг педагогик жиҳати уларнинг ўзларига хос хусусиятлари ҳисобга олинган тақдирда, миллий ғурур туйғуларини ҳис этишда ва унинг тизимини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш тизимини ўрганишда, ишлаб чиқишда ҳар бир машғулот, тарбиявий тадбирлар, тўғараклар улар онгида миллийликнинг чизгилари (манзараси) ҳақидаги тасаввурини ўзгартириш,

шахсий ҳаёт, жамиятда ўз ўрнини топишга эришиш, милликнинг тарбиявий моҳиятини англаб етиш малакаларини шакллантириш турли фаолиятнинг натижаларини олдиндан кўра билишга ўргатиш, табиат ва жамият, инсон ва у яшайдиган муҳит ҳақида илмий билим билан қуроллантириш керак.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий гурурини шакллантириш мақсади ва вазифаларини ижобий ҳал этишда уларнинг тарбиясига, тавсифига хос миллий муҳит яратиш ва юқоридаги барча омилларга таяниш лозим. Чунки тарбиячи ва ўсмир ҳамкорлигидаги фаолиятнинг самарадорлигини оширувчи, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондирувчи муҳит зарурдир.

Меҳрибонлик уйларида миллий муҳитнинг ўзига хос мазмунга эга бўлиши давр тақозосидир. Бу мазмун замирида ўсмирларда миллий гурурни шакллантириш ётади: умуминсоний ва миллий қадриятлар; урф-одат ва анъаналар; диний ва дунёвий адабиёт намуналари, халқ донишмандлиги дурдоналари негизини ташкил этган шарқона тарбиянинг асосий сифатлари; инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик; меҳр-оқибат, ота-онага ҳурмат, саховат, иймон-этиқод ва шу кабилар.

Ҳозирги кунда матбуот ва оммавий ахборот воситалари, кино, театр репертуарлари миллий мазмунда ташкил этилмоқда, бойиб бормоқда. Уларнинг бутун фаолияти жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ўзгаришларни инсонлар кўз ўнгида гавдалантириш, миллий характерни шакллантириш, маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд этиш, гурурланишимизга асос бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, тарихий мерос ва асарларимиз, тилимизни, қадриятларимизни қайтадан тиклашга, уларга нисбатан меҳр-муҳаббатни шакллантиришга эришишга қаратилган. Суҳбатлар, оғзаки савол-жавоблар орқали маълум бўлдики, ўсмирлар ахлоқий, маънавий, тарихий-адабий, миллий қадриятлар, адабиёт ва санъатга доир материалларни қизиқиб ўқишар, тинглашар, томоша қилишаркан. „Одобнома“, „Жавоҳир сандиғи“, „Ҳадислардан намуналар“, „Ривоят“, „Ватан тимсоллари“, „Буюк келажак сари“, „Шахс ва баҳс“, „Мулоқот“, „Оталар сўзи — ақлнинг кўзи“, „Доно бобо даврасида“ каби кўрсатув ва эшиттиришлар, тарихий шахс-

лар, буюк алломалар: ибн Сино, Навоий, А. Қодирий ва бошқалар ҳаёти ва ижодий фаолиятлари ҳақида маълумот берувчи материалларни, миллий тавсифдаги тасвирий санъат, мусиқа асарларини, шарқона байрамлар, удумлар ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни севиб тинглар ва томоша қилишар экан.

Матбуот саҳифаларидан эса улар диний-ахлоқий тавсифдаги, ёшлар ҳаётини акс эттирувчи ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, қонун, жисмоний тарбия, спорт, соғломлаштириш, жаҳон янгиликлари ва бошқа ҳар хил материалларни қизиқиб ўқишар экан. „Маърифат“, „Оила ва жамият“, „Халқ сўзи“, „Таржимон“, „Ўзбекистон овози“, „Халқ таълими“, „Саодат“ каби газета ва журналлар ўсмирларни ўзига жалб қила олиши маълум бўлди.

Шу билан бирга, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўсмирларда оила ва ҳаётга, давлат ғамхўрлиги, меҳнатга, Меҳрибонлик уйидаги моддий ва маънавий ҳаётга, ахлоқ, ўқиш ва билим олишга, ўз-ўзини тарбиялашга бўлган муҳаббатлари даражаларини аниқлаш мақсадида қуйидаги сўров-саволларидан фойдаландик:

I. Оила, ота-она, ака-ука ва қариндошларига муносабати.

1. Ўз оилангизни яхши кўрасизми ёки унга бефарқмисиз?
2. Ота-онангизни соғинганмисиз ёки нисбатан бефарқ бўлиб, кўришмасликка интиласизми?
3. Оила аъзоларингизнинг меҳри, ҳамкорлигига нисбатан қизиқишингиз қандай?
4. Ота-онангизнинг сизга муносабати қандай?
5. Оиладаги уй жиҳозларини тасаввур қиласизми ва унга муносабатингиз қандай?
6. Ака-ука, опа-сингилларга меҳрингиз борми ва улар ҳақида қайғурасизми?

II. Давлат ғамхўрлигига муносабати.

1. Ўзингизни жамият аъзоси деб ҳисоблайсизми?
2. Ўз Ватанингиз, туғилиб ўсган жойингизни сеवासизми?
3. Давлат мулкига муносабатингиз қандай ва эҳтиёт қиласизми?

III. Меҳнатга муносабати.

1. Меҳнатга ихлос, қунт билан ёндошасизми ёки уни мажбурият остида бажарасизми?

2. Қайси меҳнат фаолиятига кўпроқ қизиқасиз? (тўқиш, тикиш, жисмоний, ақлий, ижтимоий)
3. Меҳнат қилишни севасизми?

IV. Ахлоқий муносабатлар.

1. Ахлоқий, иродавий хислатлар. Ўзингизга нисбатан талабчанмисиз (сабр-бардошли ёки бўш-беқарор)?
2. Ахлоқий мотивлар. Кўполлик, ўз сирини ошкор айтмаслик, шарм-ҳаё, масъулиятни англаш ёки субтсизлик ҳолати борми?
3. Ўзингизни ўзингиз баҳолай оласизми? Салбий ва ижобий ишни тушуниш даражаси қандай?
4. Одамлар билан мулоқотда ўзингизни қандай тутасиз?
5. Одамларга ишонасизми?

V. Ўқиш ва билим олиш муносабати.

1. Изланувчанликка, ижодкорликка интилишингиз борми ёки шунчаки ўқишга келасизми?
2. Илм олишга қизиқасизми, шеър ёд оласизми, китоб ўқийсизми, тўғарақларга қатнашасизми?
3. Касб-ҳунар танлашга муносабатингиз, касб эгаллаш учун билим олиш зарурлигини қандай тушунасиз?

VI. Ўз-ўзини тарбиялашга бўлган муносабати.

1. Ўз шахсингизни парвариш қиласизми? (Гигиена қоидаларига риоя қиласизми?)
2. Ўзингизнинг хатти-ҳаракатингизга баҳо бера оласизми?
3. Ўз тақдирингиз, келажагингизни қандай тасаввур қиласиз?
4. Орзуларингиз ва унга эришишга интилишингиз борми?

VII. Маънавий маданиятга муносабати.

1. Маданий-маънавий меросимизни ҳурмат қиласизми?
2. Ўзбекона анъаналар, урф-одатларга муносабатингиз қандай?
3. Ўз миллатингиз, Ватанингиз, тилингиз, динингиз билан фахрланасизми?
4. Ижтимоий масалаларга муносабатингиз қандай?
5. Ҳоявий етук бўлиш устида ишлайсизми?
6. Иш ва сўз бирлиги, фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорликка муносабатингиз қандай?

Наманган, Кўқон, Андижон шаҳарларида жойлашган Меҳрибонлик уйларида олиб борилган мулоқот ҳамда кузатишлардан маълум бўлдики, ўсмирларнинг руҳий ҳолатига кўпроқ таъсир кўрсатаётган масалалар ота-оналар дийдорига муҳтожлик, оилада яшаш, шарқона миллий урф-одатларни билишга интилиш экан. Улар ҳам ҳақиқий жамият аъзоси сифатида мустақил оилада яшашни орзу қиладилар.

Илмий кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўсмирларнинг миллий ғурур туйғуларини шакллантириш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

— Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ҳар бир ўсмирнинг руҳий-ботиний ҳолатини яхши билиш;

— ўсмирларга ўз ўтмишини эслатмаслик (бу ўсмир тарбиясининг шартини ҳамдир);

— ўсмир шахсига нисбатан ҳурмат;

— Меҳрибонлик уйида ўсмирларнинг ички дунёси, феъл-атвори, қобилияти ва ўз-ўзига муносабатини ўрганиш;

— ўсмирларга ва уларнинг атрофидаги шахсларга, меҳнатга, шунингдек, унинг жамоадаги ўзини тутиши, фаолиги ёки фаолиятсизлигига ўз вақтида тўғри баҳо бериш;

— ўсмирларнинг жисмоний ўсиши, уларнинг руҳий ҳолатида содир бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш;

— Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурнинг асосий қирраларини аниқлаш.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни шакллантиришнинг асосий педагогик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

— умуминсоний, миллий қадриятлар;

— аждодлар тарихи ва мероси;

— миллий тарихий қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолияти;

— адабиёт ва санъат;

— ўзбекона урф-одатлар ва миллий анъаналар;

— халқ оғзаки ижоди;

— бурч ва масъулият;

— муҳаббат ва ҳиссиёт;

— Ватан билан фахрланиш.

Шу асосий хусусиятлар бўйича Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар билимини кузатдик. Бир қанча тадбирлар ташкил қилинди, суҳбат, маърузалар, му-

нозаралар ўтказилди. „Ватаним — онам“, „Ўзбекистон истиқлоли“, „Доно бобо ўғитлари“, „Меҳмондўстлик“, „Дўстим — фаҳрим“, „Ватан олдидаги бурч ва масъулият“, „Меҳнатсеварлик“, „Муҳаббат — инсон туйғуси“, „Халқ байрамлари ҳақида суҳбат“, „Ҳадиси Шарифдан намуналар ўқиш“, „Диним — ор-номусим“ ва шу каби мавзуларда тарбиявий суҳбат кечалари уюштирилди.

Текширишни ўсмирларнинг ёшларини эътиборга олиб, қуйидаги 3 та гуруҳга бўлиб, режа асосида тадқиқот ишлари олиб борилди:

- 1- гуруҳ — 11—12 ёшли ўсмирлар.
- 2- гуруҳ — 13—14 ёшли ўсмирлар.
- 3- гуруҳ — 15—16 ёшли ўсмирлар.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг биринчи гуруҳида миллий ғурурни англаш ҳақидаги тушунчалар умумий ва саёз. Иккинчи гуруҳ ўсмирларида тушунча бор, лекин мустаҳкам эмас. Учинчи гуруҳ ўсмирларида эса миллий ғурурга оид тушунчалар мавжуд, лекин туб маъноси, мазмуни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас, деган хулосага келдик.

Хулоса қилиб айтганда, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчи ўсмирларида миллий ғурурни таркиб топтиришда Ватанимизнинг тарихи ва бугуни билан боғлиқ сермазмун воқеа-ҳодисалар, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари миллий қаҳрамонларнинг Ватан озодлиги йўлидаги мардона курашларини бугунги куннинг тарихий ишлари билан муқояса қилиб, ижтимоий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш, миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларни ёшлар онгига таъсирчан усуллар орқали сингдириш ва шу кабилар муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг бошқа болалардан фарқли психологик ҳолат ва вазифаларини ҳисобга олиш муҳимдир.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИ ЎСМИРЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўсмирларда миллий ғурурни ўстириш ва такомиллаштириш учун, аввалю, ўсмирлик ёшини тўлиқ белгилаб олиш керак.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, нуқтаи назар, субут, ўзлигини англаш, ўзини баҳолаш ва бошқа хусусиятлар шаклланаётган давр ҳисобланади. Бу даврда ўсмир ўз фаолиятини муайян ҳолда эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди. Ўсмир шахсининг таркиб топишида ахлоқ, ўзига хос онг ва тафаккур алоҳида аҳамият касб этади. Умуминсоний хислатларни шакллантириш жараёни ўқувчидаги ишонч, ақида, нуқтаи назарнинг қарама-қаршиликларига, унинг атроф-муҳитдаги ҳодисаларга ва кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим.

Психологлар ўтказган тадқиқотлардан кўринадики, ўсмирларнинг кўпчилиги қатъиятлилик, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, меҳрибонлик, дилкашлик, адолатлилик каби маънавий-ахлоқий тушунчаларни тўғри англайдилар.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялаш ақлий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадий, диний тарбиянинг таркибий қисмларига яхлит жараён сифатида қарашни тақозо этади. Бу омиллар ўсмирларни тарбиялаш жараёнида унинг онгига таълим-тарбия давомида ўзаро бирлик ва алоқадорликда таъсир этиши ва улар мазмун-моҳияти билан бир-бирига боғлиқ бўлиши лозим.

Умумбашарий маданий меросдан баҳраманд бўлиш, ўз тарихи, санъати, маънавий-руҳий қадриятлари, диний билими асосида ўзлигини англаш, Ватан, халқ ва миллат манфаатларига масъулик сезиш ва бошқалар миллий ғурурни шакллантиришнинг асосий мезони ҳисобланади. Демак, ўсмирларнинг маънавий камолотида ахлоқий фазилатларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Ўсмирларнинг ахлоқий сифатларидаги инсонпарварлик, ҳалоллик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, эрксеварлик, фаоллик, ҳақиқатгўйлик, масъулиятлилик, саҳийлик, камтарлик, поклик каби ахлоқий тушунчалар миллий ғурурни шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмирларнинг ахлоқий онги, уларнинг хулқ-атвори меҳнатсеварлик, адолатпарварлик ва бошқа юксак маънавий-ахлоқий сифатларнинг негизи ҳисобланади. Ахлоқий онг виждон, бурч, масъулият, ҳаё, гурур каби туйғулар инсоннинг ички руҳий ҳиссиётига асосланади.

Ўсмирларнинг ахлоқий онги ва тафаккури эстетик ҳис-туйғулари билан ўзаро алоқада шаклланади. Уларда миллий гурурни шакллантириш жараёнида эстетик ғоя, эстетик дид, гўзалликдан завқланиш қобилияти ҳам ўсади.

Психологларнинг таъкидлашича, эстетик дид, ҳиссиёт ва ақлий турмуш тарзини узвий боғлаб турувчи шахснинг қобилияти ўсмирларнинг эстетик диди, унинг ўртоқлари, жамоаси, оила аъзолари, жамоатчиликнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, мулоқот маданияти, миллий гурури, миллий ва умуминсоний қадриятларга, урф-одат ва анъаналарга, халқ донишмандлигига муносабатларида намоён бўлади. Меҳрибонлик уйларидаги ўсмирларда эса шу хислатлар ўзи яшаб ва тарбия олиб турган Меҳрибонлик уйи шарт-шароитида таркиб топади, шаклланади ва такомиллашади.

Меҳрибонлик уйларида ўсмирларнинг миллий гурури-ни тарбиялаш қуйидаги педагогик-психологик омиллар орқали амалга оширилади:

- дарслар жараёнида фанларнинг мақсадли боғлиқлиги;
- Ватан тарихи ва бугуни ҳақида суҳбат ҳамда мунозаралар;
- тарбиявий ишлар: миллий қаҳрамонлар ва давлат арбоблари (Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва шу қабилар) фаолиятига бағишланган кечалар уюштириш;
- миллий қадриятларга бағишланган кечалар ташкил қилиш (Наврўз, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Халқаро хотин-қизлар куни, Мустақиллик куни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ва шу сингарилар);
- оммавий ҳашарларда қатнашиш;
- мумтоз фан, адабиёт ва санъат арбоблари таваллуд кунларини нишонлашни ташкил қилиш;
- спорт мусобақалари;
- қадимий обидаларга, тарихий шаҳарлар (Хива, Самарқанд, Бухоро)га саёҳатлар уюштириш ва шу мавзуда мунозара, суҳбатлар ташкил қилиш;
- машҳур адабиёт, фан ва санъат намояндалари билан учрашув кечалари уюштириш;

— тарбияланувчиларнинг касб-хунар тўғаракларида тайёрлаган маҳсулотлари кўрғазмасини ташкил қилиш ва шу кабилар.

Бу тарбиявий тадбирларнинг деярли барчаси ўсмирларнинг фикрлашига, мулоҳазалар юритишига, ўзини ўзи бошқаришига, ўзини ўзи баҳолашига, ўзини бошқалар билан қиёслашига, аждодлари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишига, эътиқодини шакллантиришига, ўзининг кимлигини ва кимларнинг авлоди эканлигини англашига ёрдам беради. Бу миллий фахр-ифтихор ва миллий ғурурнинг шаклланиб ҳамда ривожланиб боришини тақозо этади. Дарҳақиқат, миллий ғурур шундай педагогик-психологик қудратга эгаки, шу самарали мўъжиза туфайли инсон Ватан, унинг келажаги, ўзининг келгусидаги истиқболи, мақсад ва вазифалари билан яшаш фикрини, малакасини таркиб топтиради.

Меҳрибонлик уйларидаги ўқитувчи-тарбиячиларнинг самимий хатти-ҳаракати, мақсад ва вазифалари, тарбиячилик бурчлари худди шу масалага йўналтирилиши лозим. Зеро, улар биринчи галда ўсмирлар қалбида эътиқод туйғусини таркиб топтиришлари зарур. Зотан, иймон ва эътиқод меваси миллий ғурур ҳисобланади. Миллий ғурур эса Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг буюк ва истиқболли келажагини белгилаб беради.

Шу ўринда яна бир нарсани унутмаслик керакки, ўсмирлар одатда тақдирчи бўладилар. Улар янги ўтказилган ниҳол каби истаган томонга эгилиб, эргашиб кетишлари мумкин. Бундай ҳолатда тарбиячи-ўқитувчилар жамоага ижобий маънода ўрнатилган бўлишлари зарур. Тарбияда қўлланиладиган педагогик восита ва омиллар, ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар ўсмирларнинг нозик ҳаёти ва турмуши, руҳий ҳолатларига самарали таъсир қилиб, уларнинг миллий ғурурини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Шунинг учун ва юқоридаги педагогик восита ҳамда тадбирларни тўлақонли ва самарали амалга ошириш жараёнида Меҳрибонлик уйи раҳбарияти, ўқитувчи-педагоглар билан бир қаторда, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оталиқ ташкилот, муассаса ва корхоналар, экскурсия билан шуғулланувчи ташкилотлар, музейлар ходимлари, матбуот органлари, оммавий ахборот воситалари, фан ва

илмий муассасалар, шунингдек, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатаётган барча тўғарақлар, жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчилари иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтилган педагогик омиллارнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари Меҳрибонлик уйларидаги ўсмирларнинг миллий гурурини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг миллий гурур тарбияси иштироки, вазифалари, тарбиявий ҳамкорликлари таҳлили қуйидаги педагогик тизимни яратишга имкон берди.

3- жадвал

Меҳрибонлик уйларида ўсмирлар миллий гурурини такомиллаштириш омиллари тизими



Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий гурурини ўстириш бадиий, моддий ва маънавий, ахлоқий маъно касб этади. Бунда миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Унинг моддий асосини нашриётлар, кинотеатрлар, кутубхоналар, концерт заллари, телекўрсатувлар, радио ва бошқалар ташкил этади. Миллий гурурнинг бадиий мазмуни, унинг миллийлиги ва умуминсонийлиги, бадиий

бойликларнинг ҳаммабоплиги, бадий санъат асарларининг инсонпарварлиги, истиқболлилиги, гоъвий пишиқлиги, ҳаётӣ муштараклиги билан баҳоланади.

Ҳар бир Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмир инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидаларига риоя қилган ҳолда, бу фаолият инсонни ҳар томонлама ҳимоя қилишга, уни улуглашга, миллий ғурурланишга қаратилиши лозим.

Асл ватанпарвар унвонини олиш учун инсонга жуда катта масъулиятли маънавий-ахлоқий вазифалар юкланади. Нима ва қандай ҳодиса бўлишидан қатъи назар, туғилиб ўсган қишлоғини, шаҳарини, бошқача айтганда, киндик қони томган замин — Ватанини тарк этмайди. Бундай инсонлар асл ватанпарварлар дейилади.

Зеро, фахрланиш ҳақиқатдан ҳам яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади¹. Зотан, Ватанни севиш, халқни ҳурмат қилиш фахрланиш ёхуд улардан ғурурланиш белгиси бўлиб, бу яхши хулқ ва яхши фазилатдир. Кимки миллатнинг маданияти тарихидан, аждодлари қолдирган барча мерослардан, ҳамма соҳадаги анъаналаридан фахрлана билса, ўтмишда ватани ва халқи бошига тушган даҳшатли ва аянчли фожиавий тақдирдан ачинса, у ватан ва халқи келажаги учун, нурли истиқлол йўлида фидойи бўлиш орзусида яшайди, меҳнат қилади, ўз касбининг устаси бўлишга интилади, ташаббускорликни қўлга киритиш армонлари билан нафас олади.

Инсонпарварлик ва ватанпарварлик ўсмир учун, биринчидан, кундалик маънавий фазилат бўлиб қолиши, иккинчидан, ўсмир онги ва фаолияти демократик жамият яратишга қаратилган бўлиши, учинчидан, ҳуқуқий давлат яратишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр бўлишини тақозо этади. Ҳар бир ўсмирнинг фаолиятида ошкоралик таъмоили устувор бўлиши зарур.

Оила бахт-саодати ҳақида қайғуриш, фарзандларни касб-ҳунарли қилиб тарбиялаш, ватанга, халққа садоқатли кишилар қилиб етиштириш ҳам ватанпарварликнинг намунасидир.

¹ Ал-Беруний. Тарвиҳалар („Жавоҳирот“ китобидан). Т., „Мерос“, 1991, 44- бет.

Бундай хусусиятларни ўз хулқ-атворида мужассам эта оладиган ўсмир унинг фаолиятида оғир вазиятда вужудга келадиган муаммоларни музокара, мунозара, мусоҳаба йўли билан ҳал қилишга интилади ва шу йўллар билан ғурурига путур етказмасликка ҳаракат қилади.

Мустақиллигимизнинг тантана қилишида миллий қадриятлар ва эътиқодлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганини асло унутмаслигимиз керак. Асрлар давомида синовдан ўтган, миллий истиқлол ғояларидан тарбия жараёнида фойдаланиш ўсмирга ўзлигини англашда ва миллий ғурурли бўлишида ёрдам беради. Ислом дини қонун-қоидаларида, мазмунида эзгулик таълимоти билан бир қаторда, ҳар бир муслим ва муслима амал қилиши зарур бўлган ахлоқий-маънавий қадриятлар, шарқона урф-одатлар, удумлар, анъаналар, тарбия қоидалари тарғиб этилади. Уларнинг моҳияти маънавий-ахлоқий жиҳатдан таҳлил қилингангина ва ўсмир онгида миллий ғурур шакллантирилган тақдирдагина эътироф этилади.

Демак, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантиришдаги, унинг ақлий, ахлоқий, эстетик, бадиий, сиёсий, диний ва бошқа қирралари бир-бири билан ўзаро алоқадор ҳолда таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг самарадорлиги эса таълим-тарбия жараёнида ўсмирнинг маънавий қизиқиши унинг талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олиш, бу хусусиятларнинг жамият маънавий тараққиёти талаблари билан мослиги, маънавий ва миллий манбалардан ўсмир ёш ва руҳий хусусиятларига мос равишда самарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида зарур усул ва воситалар асосида ташкил этиш, таълим-тарбия мазмунидаги миллий, умуминсоний қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар каби муҳим педагогик талабларга риоя этишга боғлиқ.

Аждодлар ор-номусини ҳимоя қилиш, уларнинг ватанпарварлик ғояларига, миллий қадриятларига содиқ бўлиш мустақилликнинг асосий принципи бўлмоғи лозим.

Биродарлик, ҳамкорлик умумий ишнинг калитидир. Бу мусулмон халқларининг, чунончи, ўзбек халқининг доимий тарихий шиоридир. Муқаддас Куръони Карим ҳам, Ҳадис илми ҳам ва бошқа қомусий ўзбек олимлари асарлари ҳам шу муборак фикр ва ғояга амал қилишга даъват этади.

Юқорида айтилган барча фикр ва мулоҳазалар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар, юксак мақсадлар, эзгу ният ва истаклар мустақиллик тарбиясининг ҳам негизини ташкил этади. Ҳозирги кунда ватан мустақиллигини сақлаб қолиш, уни камол топтириш учун турли тарбия усулларини ривожлантириш ҳақида қайғуриш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болалар жамоа тарзида яшаганликлари сабабли улар ўзларига хос психологик хусусиятларга эга, шу сабабли бу муассасада иш услуби ҳам ўзгача.

Наманган вилояти 26- Меҳрибонлик уйида 65 нафар ўсмир билан 8 нафар тарбиячи ишлайди. Режа рус ва ўзбек тилларида йиллик, ойлик, ҳафталик қилиб тузилган. Уни тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари тасдиқлаган. Режа ўсмир ёш хусусиятларини, ҳатто жинсини ҳам ҳисобга олган. Чунки, ўғил болалар алоҳида, қиз болалар алоҳида тарбияланар экан. Режа ҳар томонлама мукамал бўлиб, ақлий, ахлоқий, эстетик-бадий, экологик, меҳнат ва диний тарбияларни мужассамлаштирган мавзуларни ўз ичига олган. Жумладан, умуминсоний, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз акс этган суҳбат мавзулари, сайил ва байрам эрталиклари ҳам бор. Маънавият кунлари учун мавзулар режалаштирилган ва эълон доскасига ким, қачон, қандай мавзуда маъруза, суҳбат, мунозара қилиши кўрсатиб қўйилган. Андижон ва Марғилондаги Меҳрибонлик уйларида ҳам ишлар шундай яхши ташкил қилинган. Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирлар билан суҳбатлашганимизда, улар кундалик ҳаётларидан, тарбиячилари ва бу ердаги шароитдан нолишмади. Давлат ғамхўрлигига, педагогик жамоага раҳматлар айтишди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини ва ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришнинг ўзига хос хусусиятлари Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар, Шарқ мутафаккирларининг ижоди ва фаолияти, халқ оғзаки ижоди, бадий адабиётлардан унумли фойдаланишда намоён бўлади.

Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти ва сураси инсоният манфаатига хизмат қиладиган қимматли ўғитлар, йўл-йўриқлар, панд-насиҳатлар, ахлоқий поклик, иффат, иймон, дўстлик, ота-она қадри, етим-есир ҳақи, фарзанд-

лик бурчига тегишли қимматли ўғитлар билан йўғрилган. Дин Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларни инсонпарварликка, ватанпарварликка, табиатга муҳаббат, теварак-атрофни, сув, ҳаво, тупроқни асраш, авайлашга, дўстликка, аҳилликка, тинч-тотув яшашга даъват этади. Қуръонда бировлар ҳақиға кўз олайтириш, ўғрилик, Ватанга хиёнат каби қабих ишлар қораланади, уларни инсофга чақиради, тавба қилишга ундайди.

Шарқ мутафаккирлари асрлар мобайнида ўз ижоди ва фаолиятлари билан ёшларга ибрат бўлиб келишмоқда. Уларнинг қолдирган бадий-эстетик мерослари биз тадқиқот ишлари олиб бораётган водийдаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда Ватанга меҳр-муҳаббат, умуминсоний, миллий қадриятларимиз билан ғурурланиш ва уларни авайлаб-асраш, равнақ топтиришга интилишнинг муҳим манбаларидир.

Дарҳақиқат, шарқона ахлоқ-одоб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳақпарварлик, ростгўйлик, диёнат ҳар томонлама баркамол инсоннинг маънавий қиёфасидир. Шунингдек, маънавияти юксак инсон ҳаромдан ҳалолни фарқлаб олиб, ҳаромга, поклик билан нопокликни ажратиб, нопокликка, хиёнатдан диёнатни ажратиб, хиёнатга, адолатсизликка қарши кураша олади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг „Кутадғу билиг“, Форобийнинг „Катта мусиқа китоби“, Паҳлавон Маҳмуднинг „Рубоийлар“, Абу Али ибн Синонинг „Саломон ва Ибсол“, „Тайр қиссаси“, „Ҳайн ибн Яксон“, Алишер Навоийнинг „Маҳбуб ул-қулуб“, Умар Хайёмнинг „Рубоийлар“, „Наврўзнама“ сингари асарлари шулар жумласидандир. Шу мутафаккир-олимлар халқнинг қадимий байрам анъаналари, маросимлари ва улар билан боғлиқ урф-одатлари ҳақида ўз асарларида қимматли маълумотлар қолдирганлар. Уларда „Наврўз“, „Меҳржон“, „Қурбон ҳайити“, „Рамазон ҳайити“ каби байрамлар ҳақида маълумот берганлар. Бу байрамлар инсонларни бир-бирига меҳр-мурувватли, хайр-саховатли бўлиш, етим-есирлар, қариндош-уруғлар ҳолидан хабар олиш, ўзбекона одатларимизга содиқлик, Ватанни севиш ва ардоқлаш, у билан ғурурланиш каби ҳис-туйғуларни шакллантириш муҳим восита ҳисобланади. Масалан, „Наврўз“ байрамида ширинликлар ҳадя этиш (ҳаётнинг ширин бўлишини тилаш), совға-саломлар бериш, гул совға қилиш (гулдек нафис, гўзал ҳаёт тилаш), бир-бир-

ларига сув сепиш (сув мўл бўлсин, ҳосилдорлик юқори бўлсин деган маънода) ва бошқа урф-одатлар жорий этилган. Буларнинг барчаси кишиларнинг миллий ғурурини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди (афсона, ривоят, эртақ, достон, мақол, матал, қўшиқ, латифа, лоф, аския) намуналари халқнинг турмуш тарзи, ахлоқ-одоби, урф-одатлари, анъаналари, диний эътиқодни ўзида мужассам этади. Орзу-умидларни, меҳнатга ижобий муносабатни, ватанпарварликни, садоқатни, эрк ва озодлик йўлидаги мардонавор курашни, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, келажакдаги фаровон турмушга ишончни ифодалайди.

Халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири афсоналардир. „Искандарнинг шохи бор“, „Луқмони ҳаким“, „Ширин қиз“, „Ёлғон сўз сири“, „Тилла балиқ тоғи“ каби афсоналар азалдан шарқ халқларининг табиатига хос мардлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат, эрксеварлик, вафодорлик каби фазилатларни тарбиялайди.

Ривоятлар эса мавжуд ҳаётини маълумотларга таянган ҳолда, бадиий тўқималар воситасида инсоний қадриятлар, инсоннинг эзгу орзу-умидлари, армонлари, қувончлари, ташвишлари, ғам-қайғулари, эҳтиросларини акс эттиради. Ривоятлар негизида тарихий шахслар ҳаёти, маънавий фаолияти ётади. Масалан, Жалолоддин Мангуберди Ватанни ташқи душмандан ҳимоя қилган ва жонини фидо этган, Амир Демур ўз халқи, Ватаннинг осойишталиги, унинг миллий ғурури йўлида жанг қилган, Бобур ўз Ватанидан йироқда бўлишига қарамай, ўз халқини, Ватанини эъзозлаб, уларни қўмсаб яшаган. Навоий, Нодира, Увайсий каби мутафаккирларимизнинг инсонийлиги, буюклиги, Ватанга ҳурмати, меҳр-муҳаббатини ифодаловчи қатор ривоятлар мавжуд. Бундан ташқари, Учтепа, Бешарик, Бухоро, Навоий, Хоразм каби жой номлари ҳақидаги ривоятлар ҳам Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантиришда ва ўзлигини англатишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Миллий ғурурни шакллантиришда халқ оғзаки ижодининг маросим қўшиқлари ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Маросим қўшиқлари инсонларнинг табиатга, воқеликка эстетик муносабатларини билдирувчи тасаввурлари, ишончлари, орзу-умидлари, ахлоқий қарашларини шакллантиришга ёрдам беради. Эртақлар эса таъсирчан жанр бўлиб, ўсмир-

ларнинг руҳий ва ёш хусусиятлариға кўра, маънавий онги-га, фаолияти мазмунига, ҳиссиётига ижобий таъсир этади. Эртақларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ билган ўсмир унда кўтарилган ғоянинг асл моҳиятини тушунади, эртақларга хос бадиий тўқималардаги воқеа-ҳодисалардан ҳаёт-тий хулоса чиқаришга ўрганади. Маълумки, эртақларнинг ғоявий йўналишини адолат, жасурлик, қаҳрамонлик, эзгулик, инсонпарварлик, фаровон ҳаёт, вафо, халқпарварлик каби маънавий тушунчалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам момоларимиз, боболаримиз ўз набираларини доимо эртақ билан сийлашган.

Халқ достонлари халқ маънавий қадриятлари, анъаналари мужассамлаштирилган халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири бўлиб, унда мусиқа билан шеърият уйғунлашган. Достонларнинг ғоявий ва маърифий аҳамияти шундаки, уларда юксак гўзалликка ва бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли мақсадлар сари қатъий интилишдан, сабр-чидам, матонат, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатишдан иборатдир, деган ғоя илгари сурилади. Достонларда миллий ғурур туйғуси куйловчи ва тингловчи ўртасидаги бадиий-эстетик мулоқот воситасида шакллантирилади.

Миллий ғурурни шакллантиришда самарали таъсир этувчи жанрларидан яна бири — латифалар асосида тарихий воқеалар, маиший ҳодисалар ётади. Зийраклик, ўткир ҳажв, ҳозиржавоблик, ҳажм жиҳатдан ихчамлик, мазмунан теранлик латифаларнинг асосий тамойили ҳисобланади. Узбек халқ латифаларининг асосий қаҳрамони Насриддин қиёфаси орқали нодонлик, иккиюзламачилик, фирибгарлик, мунофиқлик, очкўзлик, айёрлик, ишёқмаслик каби маънавиятга зид иллатлар қораланади. Гўзаллик, донолик, зукколик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, ҳиммат, меҳр-оқибат, сахийлик, илмлилик, инсонпарварлик каби юксак қадриятлар улуғланади¹.

Мақол ва маталлар эса турли миллат кишиларининг маънавий етуклик, зукколик белгиси бўлиб, уларнинг туб манфаатлари, орзу-армонлари умумийлигининг кўрсаткичларидир. Уларда инсоний ғоялар қисқа, лўнда шаклда баён қилинади. Мақоллар халқ меҳр-оқибати ва унинг буюк

¹ „Қадимий ҳикматлар“, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 75- б.

яратувчилик қудратини ўта таъсирчан бадиий воситалар билан ифодалайди. Қуйидаги мақоллар ўсмирларнинг миллий гурур туйғусини, ватанпарварлик сифатларини тарбиялашда самарали таъсирчан воситаларга киради:

Она-юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

Булбул чаманни севар,
Одам — Ватанни.

Элдан айрилгунча,
Жондан айрил.

Юрт қўрисанг ўзарсан,
Қўримасанг тўзарсан.

Юрти бойнинг ўзи бой,
Юрти тинчнинг ўзи тинч.

Шундай қилиб, халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари халқ педагогикасининг муҳим бир йўналишини ташкил этади ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий гурурини камол топтиришда қуйидаги вазифаларни бажаради:

— халқ оғзаки ижоди таълим-тарбиянинг пировард мақсадига хизмат қилади ва тарбия мезонларини умумлаштириб, миллий гурур тарбиячиси ва тарбияланувчиси сифатида намоён бўлади;

— халқ оғзаки ижоди муҳим илмий-амалий, бадиий-эстетик манба ҳисобланади, ҳиссий тарбия билан ақлий тарбия жараёнини уйғунлаштиради;

— халқ оғзаки ижодининг муҳим вазифаси ажодларимизнинг бадиий тафаккур маҳсуллари: халқнинг афсона, ривоят, матал, мақол, алла, дostonларда акс этган эзгу ниятлари, орзу-умидлари, армонлари, урф-одатларини ёш авлодга етказишдир;

— халқ оғзаки ижодида намоён бўладиган таълим-тарбия усуллари: буйруқ, ўғит, насиҳат, намуна, ўртак, муурожаат, илтижо, киноя, пичинг, кесатиш, юмшоқ заҳарханда, юмористик танқид, маъқуллаш ва инкор этиш каби фоялар кучини оширишга қаратилган.

Демак, халқ оғзаки ижоди миллий гурур туйғусини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида ўсмир шахсининг бутун ҳаёти ва фаолияти жараёнида амал қилади.

Бадий адабиёт халқ оғзаки ижоди сингари Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўсмирларда бадий адабиётнинг барча турлари — мумтоз адабиёт, ҳозирги замон адабиётига оид насрий, драматик, лирик асарлар ўсмирларда инсонпарварлик, ширинсуханлик, қадр-қиммат, дўстлик, биродарлик, меҳр-оқибат, Ватан ишқи, ғурурланиш, халқ фаровонлиги, баркамол инсонни тарбиялаш каби хусусиятларни шакллантиради.

XX аср ўзбек адабиёти инқилобий ўзгаришлар давридаги ўзбек халқи маънавий ҳаётининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу даврда Абдулла Қодирий („Ўтган кунлар“, „Меҳробдан чаён“), Чўлпон („Кеча ва кундуз“), Фитрат, Усмон Носир ва бошқаларнинг реалистик ҳикоя, қисса, роман, драматик асарларида миллат, озодлик, эркинлик, тил ва маданият тақдири учун кураш, ўзбек миллий удумлари, ахлоқ-одоб мезонлари, миллий қадриятларини тарафдор этиш ва тарғиб қилиш биринчи ўринда турган. Бу даврда яратилган турли жанрлардаги бадий асарлар ягона мақсад — миллий ғурурни шакллантириш, миллат келажиги, тақдири учун курашиш ва Ватан равнақи учун меҳнат қилишга қаратилган.

Ватанимиз мустақиллиги, ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнлари бадий адабиёт, бадий ижод мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Э. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳошимов, Ж. Камол, О. Ҳожиёва, Ҳ. Аҳмедова, У. Абдуазимова ва бошқалар ижоди Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар онги ва хулқ-атворида адолатсизликка, зулмкорликка, эрксизликка, миллий таҳқирланишга, миллий ғурурни, диний эътиқодни таъқиб қилишга қарши кураш ҳиссини шакллантиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини камол топтиришда бадий адабиётнинг роли ва ўрни каттадир. Чунки, у, айниқса, ёшлар ҳиссиётига, туйғуларига образлар, рангоранг тасвирлар орқали самарали таъсир қилади. Бадий таъсир миллий ғурурнинг тезроқ камол топишига имконият яратади.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини камол топтиришга доир тарбиявий тадбирлардан яна бири тарихий миллий қаҳрамонлар ва давлат арбобларининг ҳаёти ва кураш фаолияти ҳақидаги

ҳикоя, суҳбат, савол-жавоблар ва турли кечалар бўлиб, улар ўсмирларга қаттиқ таъсир қилади ва уларда миллий ғурурни такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

1999 йили Наманган шаҳридаги 26- Меҳрибонлик уйида Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган кеча ташкил қилинди. Бу кечада миллий қаҳрамон ҳақидаги ҳикоялар, ривоятлар, бўлиб ўтган тарихий воқеалардан сўзлаб берилди. Чунончи: „Жалолиддин Мангуберди Нилаб жангида (Синд дарёси кечувида жойлашган гузар) мисли кўрилмаган мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Лекин тиш-тирногига қуролланган, сон жиҳатдан минг баробар кўп лашкар билан мўғул жангчилари Жалолиддинга қарши уришарди. Бироқ, гўзал, ақлли аёл Ойчечак (Жалолиддиннинг онаси) мард бўлишига қарамай, унинг чеҳраси сўлғинлашди, хавф-хатар сеза бошлади. У душманнинг ифлос чангалига тушиб, ор-номуси топталгандан кўра, ўлимни афзал кўради. Шунинг учун у ўғли Жалолиддиндан бутун оиласини дарёга чўктиришни ва шу йўл билан ор-номусини ва ғурурини сақлаб қолишни ўтинади. Жанг натижаларининг қандай тугашини олдиндан билган Жалолиддин Мангуберди онасининг илтимосига кўра, онаси Ойчечак, турмуш ўртоғи ва эндигина 5 ёшга кирган ўғли Жамолиддин ва атак-чечак юра бошлаган қизи Гулруҳбонуларни дарёга чўктиришга фармон беради“¹.

Шу воқеий ҳикояни тинглаган ўсмирлар чуқур хўрсиндилар, айримларининг юзларида кўз ёшлари сизарди. Шу пайтда фақат жимжитлик ҳукм сурарди.

Сўнгра шу мавзуда суҳбат ўтказилди. Шунда ўғил болалар Жалолиддин Мангубердидек бўлиш орзусини билдирсалар, қиз болалар Ойчечакнинг мардлигига таҳсинлар ўқидилар.

Кечада қатнашган ўсмирлар миллий ғурур рамзини Жалолиддин Мангуберди ва унинг онаси ҳамда турмуш ўртоғи тимсолларида кўришганини айтишди. Улар миллий ғурурнинг Ватанга эътиқод ва муҳаббат, Ватан ва унинг озодлиги, халқнинг эркинлиги йўлида керак бўлса жони-

¹ Раҳимов Ж. „Туроннинг шерюрак баҳодирлари“, Т., „Ўқитувчи“, 1999, 133- б.

ни фидо қилиш, маънавий-ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳақиқат ва адолат учун курашиш, юксак ахлоқ-одобли, мард ва жасоратли бўлиш, Ватан озодлиги ғояларига садоқат, бугунги мустақил Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатни қадрлаш, эъзозлаш ва ҳурмат қилиш каби фазилатлар билан боғлиқ эканини англаб олдилар.

Демак, миллий гурурни такомиллаштиришда, аввал таъкидлаганимиздек, шунчаки панд-насихатлар эмас, балки тарихий воқеаларни, миллий қадриятлар ва анъаналаримизни жонли ифода этиш, қадимий ёдгорликлар ва обидаларга бой шахарларга саёҳатлар уюштириш ва улардан олинган таассуротлар бўйича савол-жавоблар уюштириш ҳамда жойларда олинган суратлар билан стендлар ва деворий газеталар чиқариш каби тарбиявий тадбирлар муҳим ва таъсирчан педагогик-психологик восита бўлиб хизмат қилади.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий гурурини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида ўтказилган тарбиявий тадбирларга қуйидагича методологик ва тарбиявий талаблар қўйилди ва унга риоя қилинди:

- умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамоҳанглигида миллий гурур баркамоллигига эришиш;
- миллий гурурни шакллантириш учун инсониятнинг маънавий тажрибаси моҳиятини онгли равишда ўзлаштириш;
- давр руҳига мос ҳолда Меҳрибонлик уйида мумтоз тарбия тажрибаларини амалий фаолиятга татбиқ этиш;
- тарбиявий тадбирларнинг шакл, усул ва воситалари мажмуини тўғри танлай билиш;
- тарбиявий тадбир мақсади ва мазмуни унинг тавсифига мослиги;
- ўсмир маънавий талаби, қизиқиши ва эҳтиёжларига асосланиши;
- тарбиявий тадбир учун танланган материалларнинг ранг-баранглиги, қизиқарлилиги, ўсмирлар ёшига мослиги, ҳаётийлиги, оммавийлиги;
- тадбир учун танланган маданий-маърифий қадриятларнинг умуминсоний ва миллий тавсифи;
- ўсмирларнинг фаоллиги, ижодкорлиги, ташаббускорлиги;

— тарбиявий тадбирларни ўтказишга ҳиссий ва руҳий тайёрланиш ва бошқалар.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий онг, миллий тафаккур ва миллий ғурурини камол топтиришда ўтказиладиган тарбиявий тадбир учун материал танлашда қуйидагиларга амал қилинди:

— ўсмирнинг ёши ва руҳий ҳолатига мослиги;

— ўсмирнинг ақли, заковати, ҳиссиёти, маънавий дунёсига, амалий фаолиятига таъсири;

— ўзлигини англашда ўтмишнинг бой маданий-маърифий мероси динамикаси ҳақида билим, малака ва кўникмани шакллантириш имконияти;

— маънавий ва миллий қадриятларимизни тиклашдаги ўрни;

— ўсмир шахсининг Меҳрибонлик уйи ва мактаб шароитига мослиги;

— миллий ғурурнинг барча қирраларини ўзида мужассам этиш ва ҳоказолар.

Демак, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар билан оммавий тарзда ўтказиладиган тарбиявий тадбирлар миллий ғурурни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бунга қаратилган тарбиявий тадбирларга раҳбарликни тўғри ва намунали амалга ошириш мутасаддиларига қуйидаги вазифалар қўйилади:

— тарбиявий тадбир мавзусини ва унинг режасини олдиндан эълон қилиш, ўсмирларнинг тадбир ғоясига муносабатини фаоллаштириш ва унга қўйилган тарбиявий вазифаларнинг натижаларини яқунлаш;

— ўсмирларнинг тадбир вақтидаги хатти-ҳаракатларини, фаоллигини, ўзаро муносабатларини баҳолаш.

Миллий ғурурни такомиллаштириш учун ўтказиладиган тадбирларга раҳбарлик ҳамда назорат тўғри ташкил қилинса ва йўналтирилса, ўсмирлар фаолияти адолатли баҳоланса ва рағбатлантирилса, бу борада яхши натижаларга эришиш мумкин.

Ўтказилган тажрибалар ва илмий тадқиқотларга асосланиб, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантириш бўйича тарбиявий раҳбарлик қилиш ва назоратнинг педагогик тизимини ишлаб чиқдик ва уни қуйидаги жадвал орқали ифодаладик.

	Тарбиявий тадбирлар ўтказадиган шахс	Амалга ошириладиган иш-Мазмуни ва вазифалари	Тарбиявий иш шакли. Кутиладиган натижа.
1.	Меҳрибонлик уйининг директори	<p>а) тарбиявий тадбир учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш;</p> <p>б) тарбиявий тадбир натижасини назорат қилиш, умумий раҳбарликни амалга ошириш.</p>	<p>Меҳрибонлик уйлари миқёсида „Маънавий мерос“ клуби, „Ислом тарихи“ тўгараги, „Мустақиллик куни“, „Билангонлар беллашуви“, миллий „Наврўз“ ҳаваскорлик кўриги шарқ санъати кўргазмаси, миллий жисмоний ўйинлар кўрик мусобақаси, миллий рақс тўгараги, миллий мазмунга эга фан тўгараклари, „Шарқ қадимдан маданият ўчоғи“, „Ватан остонадан бошланади“, „Аждодлар мероси“ ва бошқа мавзуларда суҳбатлар, атоқли кишилар билан учрашувлар уюштириш ва раҳбарлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги асосида миллий ғурур туйғусини шакллантириш. Ўсмир йигит, қизлар орасида ватанни мадҳ этувчи шеърхонлик мусобақаси.</p>
2.	Меҳрибонлик уйи тарбиявий ишлар ташкилотчиси	<p>а) Меҳрибонлик уйи бўйича болалар ва ўсмирлар гуруҳларида ўтказиладиган тарбиявий тадбирларни режалаштириш, уларнинг тизимини аниқлаш, услубий раҳбарлик қилиш ва натижасини назорат қилиш;</p>	<p>Санъат байрами, жисмоний чиниқиш масалалари, спорт байрами, бадий кеча, фанлар бўйича беллашуви, „Бурч нима?“, „Бахт деганда нимани тушунасиз?“, „Ўзбек халқи тарихини биласизми?“, „Халқ амалий санъатини қандай</p>

		<p>б) тарбиявий тадбирларнинг шакл, усул ва воситалари бўйича Меҳрибонлик уйи педагогларига (тарбиячилар, тўғарак бошқарувчиси, ёшлар жамоалари ва ҳ.к.) услубий ёрдам;</p> <p>в) тарбиявий тадбирларни уюштиришда, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳамкорлик ўрнатиш;</p> <p>г) тарбиявий тадбир уюштиришда таълим-тарбия бирлигига эришиш;</p> <p>д) ўсмирларнинг бўш вақтларини ташкил этишда маданият, тарбия ва жамоат муассасаларидан кенг фойдаланишга эришиш.</p>	<p>изоҳлайсиз?“, „Муסיқада Ватанни куйлаш“ мавзуларида мусобақалар, беллашувлар, фан тўғараклари, ҳафталик маданий-маърифий журналлар ва бошқаларни ташкил қилишда иштирок этиш. Ўсмирларнинг миллий гурури, миллий онг ва фаолият бирлигини таъминлаш. Тарбия билан шуғулланувчи барча маърифий бўғинлар ҳамкорлиги асосида бевосита Меҳрибонлик уйларида ўтказиладиган тарбиявий тадбирларга раҳбарлик ва назорат қилиш.</p>
3.	Гуруҳ тарбиячиси	<p>а) Меҳрибонлик уйларида тарбиявий ишлар асосида ўсмирлар гуруҳи билан олиб бориладиган миллий гурурни шакллантиришга қаратилган тарбиявий тадбирларни амалга ошириш;</p> <p>б) Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар жамоасининг маънавий талаби, эҳтиёжи, қизиқишини ўрганган ҳолда тарбиявий тадбирларнинг қизиқarli ноанъанавий шакл ва усуллари билан кенг фойдаланиш асосида миллий гуруҳ қирраларини шакллантириш;</p>	<p>Ўсмирлар жамоасини яқка ва умумий ўрганган ҳолда ўсмирларнинг миллий гурурини шакллантиришга йўналтирилган турли тарбиявий иш шакллари ташкил этиш, маънавий муҳит яратиш замирида қизиқишлар бўйича оталиқ ташкилот ва жамоатчилик ҳамкорлигида „Ёш санъаткорлар“, Амир Темур, Машраб, Навоий каби тарихий шахс, аллома ва мутафаккирларнинг таваллудини нишонлаш кечалари, „Миллий гуруҳ ва маданий мерос бурчаги“, саҳналаштирилган ўйинлар, дурадгорлик, тикувчилик каби тўғаракларга гуруҳ ўсмирларининг қизиқишига,</p>

		<p>в) ўсмирлар гуруҳида ўтказиладиган тарбиявий ишларда фан ўқитувчилари, тарбиячи-педагоглар ва психологлар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналарига услубий ёрдам бериш.</p>	<p>„Қурбон ҳайиги“, „Қушлар байрами“, „Гул байрами“, „Ҳосил байрами“ каби тадбирларни ташкил қилишда фаол иштирок этиш.</p>
4.	<p>Меҳрибонлик уйи кутубхоначиси</p>	<p>а) Меҳрибонлик уйи, ўсмирлар гуруҳи тарбиявий тадбирлар режасига мос тарбиявий тадбирларни режалаштириш, жамоатчилик ҳамкорлигида уюштириш; б) тарбиявий тадбирлар учун миллий гуруҳ ва маданий-маърифий, тарихий манбалар билан ўқитувчиларни таъминлаш; в) ўсмир саводхонлигини ошириш билан боғлиқ фаолиятини амалга ошириш; г) Меҳрибонлик уйи кутубхонасини маънавий марказ сифатида тан олишга эришиш.</p>	<p>Меҳрибонлик уйларида ўсмирларнинг миллий гурурини ўстириш, саводхонлигини ошириш мақсадида, „Ўсмир, қуйидаги бадиий асарни қунт билан ўқи!“; „Бу китоблар сизда миллий гуруҳни, ватанпарварлик сифатларини, ижобий фазилатларни тарбиялайди“ каби ундовлар, „Китоб жавонингиз учун янги асар“, „Бу асарлар ўзбек халқининг муҳим қадриятлари“, тавсия плакатлар, „Китоб байрами“, „Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги“, „Китоб —маънавий бойлик“ мавзусида бурчак, „Ўзбек халқининг миллий касби“ китоб кўргазмаси, аллома, адиблар таваллуди муносабати билан бадиий кеча, китобнинг инсон ҳаётидаги тутган ўрни ҳақидаги плакатлар, маъруза, суҳбат уюштириш, китобни ўқиш, сақлаш ҳақидаги маслаҳатлар.</p>
5.	<p>Маданий-маърифий муассасалар</p>	<p>а) Меҳрибонлик уйи ўсмирларнинг миллий гурурини шакллантириш учун тарбия ишлари олдида умуминсоний ва миллий қадриятлар юза-</p>	<p>Меҳрибонлик уйларида оммавий „Наврўз“, „Ҳосил байрами“, „Гул байрами“, „Қушлар байрами“, „Спорт байрами“, „Мустақиллик байрами“, „Бахшилар мусобақаси“</p>

		<p>сидан уларнинг билим, малака ва кўникмаларини мустақамлаш, тўлдириш ва бойитиш;</p> <p>б) давр, жамият, ўсмир ёшлар талаби, маънавий эҳтиёж ва қизиқишига мос мазмун асосида ўз фаолиятини ташкил этиш;</p> <p>в) қадимий анъаналар асосида халқимизнинг бой маънавий меросини ўсмир кўз ўнгида гавдалантириш, онг ва фаолият яқдиллигига эришиш;</p> <p>г) маънавий қадриятлар моҳиятини ўсмир онгига сингдириш асосида миллий ғурурнинг шаклланишида кўргазмалар тарғибот.</p>	<p>каби кўрик конкурси, бадий ҳаваскорлик кечалари, газалхонлик, Навоийхонлик, Машрабхонлик кечалари, ансамбллар, маънавий қадриятларни ўрганиш марказлари, санъат байрами, ўзбек халқ тарихи билан фонларининг беллашуви, билимдонлар беллашуви, мақом ансамбллари, қизиқчилар театри, аския, маънавий қадриятларга ва миллий ғурур туйғуларини шакллантиришга қаратилган „Маърифатнома“, „Оталар сўзи — ақлнинг кўзи“, „Баҳс“, „Ўзбекистон халқлари тарихи“, „Мерос“, „Қирқхунар оз“, „Сирли сандиқ“, „Ватан тимсоли“, „Юзма-юз“, „Шахс ва баҳс“ каби телекўрсатувлар, „Одобнома“, „Ватанпарварлик“ рукнидаги радио эшиттиришлари, зангори экран кўрсатувлари ва бошқалар.</p>
--	--	---	--

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТУВЧИ ПЕДАГОГЛАРНИНГ ўСМИРЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҲОРАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт давом этар экан, бу буюк бурилишларда ва ислохотларда, албатта таълим-тарбиянинг ўз ўрни бор. Таълим-тарбия ишларида, асосан, икки шахс ўртасида, чунончи: ўқитувчи ва ўқувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасидаги муносабат аҳамиятга эга. Ўқувчи устозидан билим олади, илм сирларини ўрганади. Ўқитувчи-тарбиячи эса, ўз навбатида, ўзига муносиб ворис ёхуд шогирд тайёрлайди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов айтганидек: „Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади. Яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши изларига муносиб ворислар тайёрлайди“¹.

Бу ҳикматли сўзлар бир қарашда ота-оналарга қарата айтилган фикрдек туюлади. Бироқ, унинг мантиқий маъноси ўқитувчи-тарбиячилар фаолияти билан боғлиқдир.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагог-тарбиячилар ҳомийлик қилаётган тарбияланувчилар уларнинг фарзандлари каби яқин бўлмоғи лозим. Чунки, улар ҳам ота-она, ҳам ўқитувчи-тарбиячи вазифасини ўтайдилар. Бошқача айтганда, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларнинг ўз ўқитувчи-тарбиячисидан бошқа яқин кишиси, сирдоши, ҳамдарди, тарбиячи ҳомийси йўқ.

Демак, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагоглар ўз тарбияланувчиларига нисбатан ўта ширинсўз, мулойим, хушмуомалали ва айни чоғда, талабчан бўлишлари зарур. Қомусий олим ал-Беруний ўқитишда ўқувчининг қизиқиши ва интилиши ҳисобга олиниши ва муаллим ўз шогирдига хушмуомалали бўлишини таъкидлайди². Дарҳақиқат, айниқса Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагоглар ўз тарбияланувчиларига жуда яқин, сирдош бўлишлари зарур. Бу эса улардан хушмуомалаликни талаб қилади.

Ота-она бағридаги бола борди-ю ўқитувчидан хафа бўлса, у „дардини“ ота-онаси билан ўртоқлашади, ижобий маънода кўнглини ёзади, таскин топади. Меҳрибонлик уйларида эса вазият ва ҳолат бошқача. Буни Меҳрибонлик уйи педагоги яхши тушуниши ва билиши керак.

Шу маънода Меҳрибонлик уйи педагоги қаттиққўл, талабчан бўлиши билан баробар, у меъёридан ошмаслиги ва самимий бўлиши зарур. Танбеҳ боланинг иззат-нафсига тегадиган бўлмаслиги лозим. Қаттиққўллик ҳаддидан ошса, бола тарбиясига зарарли таъсир этиши ва бола ўқитувчи

¹ Каримов И.А. „Халқимизнинг оташқалб фарзанди“. Т., „Ўзбекистон“, 1992, 28- б.

² Тўрақулов Э. ва бошқ. „Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида“. Т., „Ўқитувчи“, 1992, 39- б.

билан маслаҳатлашмайдиган бўлиб қолиши мумкин, деб таълим беради Абу Али ибн Сино¹.

Зотан, Меҳрибонлик уйларининг педагоглари тарбияланувчининг кўнглига оғир тегмаслиги талаб қилинади. Чунки, бола бир педагогдан азият чекса, у бутун Меҳрибонлик уйдан бешиши мумкин. Бу, ўз навбатида, нохуш оқибатларга олиб бориши табиий.

Муаллимнинг бирор тасодифий хатти-ҳаракати натижасида ўқувчиларда у ҳақда пайдо бўлган фикр ҳам таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир этиши, муаллимнинг ишини мураккаблаштириши мумкин.

Одатда, бундай зиддиятлар узоқ давом этади ва ўқитувчи фойдасига „ҳал“ этилади. Муаллимнинг обрўсини сақлайман деб, катталар баъзан боланинг қадр-қимматини ерга урадилар, ўқитувчидан кечирим сўрашга мажбур қиладилар. Ваҳоланки, бу низога ўқитувчининг ногўғри хатти-ҳаракати сабаб бўлган. Муаллимларнинг бу иши ахлоқий тарбия талабларига тўғри келмайди².

Бу ўринда гап тарбиячи-ўқитувчининг одоби ҳақида боряпти. Зеро, педагогнинг таълим-тарбиявий фаолияти, шу фаолиятнинг самара бериши, таъсирчан бўлиши унинг маънавий-ахлоқий муносабатлари ва муомаласи самимий бўлсин. Шунингдек, ўқитувчи олиб бораётган таълим-тарбиявий ишларнинг ҳосиласи унинг тарбиячилик одобига ва шу хислатга дахлдор таълим-тарбия жараёнларида иштирок этувчи тарбияланувчиларнинг ахлоқий-руҳий кайфияти ва ботиний аҳволига бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун педагог ўзини фаолиятнинг барча жараёнларига тайёрлаши, ўзининг таълим-тарбия усуллари устида тинмай ишлаши, педагогик янгиликлардан доимий хабардор бўлиши, ўз фаолиятини ўзи баҳолаб, камчилик ва қусурларини бартараф эта бориши муҳимдир. Бу педагогнинг ўз-ўзига талабчанлиги туфайли амалга ошади.

Педагогик жараённинг ўзида ҳам фаолиятнинг турли соҳаларида масалан, ўқув ишлари соҳасида, жамоат ишларини бажаришда, ўқувчилар билан синфдан ташқари ишларда, дам олиш пайтларида турлича муомала-муносабатлар мавжуд.

¹ **Жонматова Х.** „Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида“. Т., „Ўқитувчи“, 1980, 23- б.

² **Очилов М.** „Муаллим — қалб меъмори“. Т., „Ўқитувчи“, 2001, 58- б.

Демак, ўқитувчи-педагог, айниқса, Меҳрибонлик уйлари педагоглари ўз одоби, муомала маданиятининг юксаклиги, жамоатчилик орасида ўзини тутиши, кийиниши, дунёқараши ва миллий ғурурининг баландлиги билан бошқалардан фарқланиши ҳамда ўрнак бўлиши тарбияланувчиларда ифтихор туйғуларини уйғотади.

Бундан кўриниб турибдики, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялаш ва такомиллаштириш учун педагогларнинг ўзлари ҳам миллий ғурури билан педагогик тимсол бўлиб кўзга ташланиб туришлари мақсадга мувофиқдир. Билакс, улар тарбияланувчиларда миллий ғурурни шакллантиришга қодир эмаслар ва бундай шарафли тарбия ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Демак, педагогнинг миллий ғурурни таркиб топтиришдаги педагоглик маҳорати аввало шу сифати билан белгиланади.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш ва такомиллаштиришда педагог билан тарбияланувчи ўртасидаги муомала-муносабатлар муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, тарбиячи — ўқитувчи билан тарбияланувчи — ўқувчи орасидаги самимий муомала одоби — тарбиячи-ўқитувчидаги педагоглик маҳоратининг муҳим белгисидир.

Меҳрибонлик уйи педагоги ҳаётга эндигина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар — ёш болалар ва ўсмирлар билан мулоқотда бўлади. Болалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний, миллий ахлоқ ва миллий ғурур нормаларини (меъёрларини) ўзлаштиради. Тарбияланувчи муомала одобини, миллий ахлоқ ва миллий ғурурни асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Меҳрибонлик уйлари ўқитувчи-тарбиячиларидаги очиқ чеҳра, кўтаринки кайфият ва айниқса, самимият педагог ахлоқининг асосий нуқталаридан ҳисобланади. Улар ўзларини болаларнинг яқин дўсти, биродари, ҳар бир соҳада маслаҳатчи сифатида намоён қилишлари лозим. Бу ахлоқий сифатлар тарбияланувчилар қалбига кириб боришида ва муносиб жой олишда муҳим аҳамиятга эга. Шундагина Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари миллий ахлоқ-одобни,

¹ Очиллов М. „Муаллим — қалб меъмори“. Т., „Ўқитувчи“, 2001, 56-б.

миллий гурурни шакллантиришдек улкан вазифани амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагогларнинг миллий гурурни шакллантиришдаги маҳоратларидан яна бири ўз бурчини тўла англаб етишлари ва адо этишлари билан боғлиқдир.

Бурч тушунчаси ҳар бир инсон унга тегишли вазифаларни бекаму кўст бажаришни, содиқликни, шу жараёнда бошқалар билан тўғри ва ҳалол муносабатда бўлишни англатади. Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагоглар бурчи, биринчидан, дарс жараёнида болаларга чуқур билим бериш, фан асосларини сингдириш, иккинчидан, болалар билимини баҳолашда уларни рағбатлантириш ёхуд танбеҳ беришда адолатли бўлиш, учинчидан, дарсдан ташқари тарбиявий ишлар давомида тарбияланувчиларни миллий тарбия анъаналарига асосланган ҳолда тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини, миллий ахлоқ-одобни, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-мурувват ақидаларини сингдириш ва ниҳоят миллий гурурни шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Юқорида айтилган бурч — вазифаларни амалга оширишда у таълим-тарбиянинг турли шакл ва усулларидадан фойдаланади. Давлатнинг, жамиятнинг муаллим-тарбиячи олдига қўйган вазифаси ҳам шулардан иборат. Демак, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагогларнинг педагоглик бурчи маъно-мазмунини у олиб бораётган таълим-тарбиянинг асл моҳияти ва натижаси билан белгиланади.

Дарҳақиқат, билим бериш учун билимли бўлмоқ, тарбия бериш учун тарбияли бўлмоқ лозим. Чуқур билимга эга бўлиш учун фан оламидаги янгиликлардан хабар топиб бориш зарур. Айниқса, техника асрида ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши талаб қилинади. Билакс, у ўқувчи олдида ноқулай аҳволга тушиши ҳеч гап эмас.

Шу хусусда машҳур мумтоз олим аз-Замахшарий ёзади: „Илмли бўлиш ўқиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукамал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, ҳуснихат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир“¹. Зотан, ўқиш ва ўқитиш жараёнлари

¹ **Аз-Замахшарий.** Нозик иборалар (таржимон ва шарҳлар муаллифи У. Увватов). Т., „Камалак“, 1992, 63- б./

педагогик маҳоратни оширади. Демак, муаллим ҳам ўзи ўқиши, ҳам шу билимларини болаларга бериши лозим ва, айнаи чоғда, ўқиш ва ўқитишни қўшиб олиб бориши керак. Педагогнинг бу фаолияти, ўз навбатида, унинг педагоглик маҳорати босқичма-босқич юксалиб боришини таъминлайди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагоглар бошқаларга нисбатан педагоглик масъулиятининг жиддийлигини билиши лозим. Чунки, бу ердаги тарбияланувчилар ота-она тарбиясидан, маҳалла, қўни-қўшнилар назаридан маҳрум бўлиб, улар фақатгина ўз педагогларини билишади ва улар билан муносабатда бўлишади. Демак, улар ҳам ота-она, ҳам маҳалла, ҳам қўни-қўшнилар ўрнини босишга, болалар қалбининг кемтик ерларини тўлдиришга ҳаракат қилишлари лозим. Бундай ҳолатда, албатта Меҳрибонлик уйи педагогидан катта маҳорат ва масъулият талаб қилинади.

Масъулиятни белгилувчи асосий омиллар сифатида педагогнинг онглилигини, зукколигини, истаган вазият ва ҳолатда тегишли қарорга кела олишини, уни амалга ошира олишини кўрсатиш мумкин.

Демак, Меҳрибонлик уйи педагоглари олдига қуйидаги масъулиятлар қўйилади:

— Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирларнинг руҳий ҳолатларини тўғри баҳолаш;

— ўзининг хатти-ҳаракати, тарбиячилик маҳорати орқали ота-она, маҳалла, қўни-қўшнилар ўрнини боса олиш;

— таълим-тарбия жараёнида чуқур назарий билим ва миллий истиқдол ғояси асосида тарбия бериш;

— тарбияланувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг оптимал ва самарали шакл, мазмун ва усулларини излаб топиш ва амалда татбиқ этиш;

— тарбияланувчилар онгига ижобий ахлоқий фазилатларни сингдириш;

— Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларни ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш ва шу кабилар.

Демак, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагоглар синфда ва синфдан ташқари тарбиявий ишларда жамиятнинг, халқнинг, давлатнинг ишончли вакили сифатида тарбияланувчи ўсмирлар жамоаси билан ёл-

ғиз ўзлари иш олиб борадилар. Бундай шароитда педагогнинг масъулияти унинг хулқини тартибга солиб турадиган, бошқарадиган куч, тарбияланувчига таъсир ўтказиш даражасининг асосий мезони ҳисобланади.

Юқорида таҳлил қилинган Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагогнинг педагогик одоби ва виждони, бурчи ва масъулияти, ахлоқи ва шаъни, муомала одоби ва шу қабилар педагогнинг маҳоратини белгилаб берувчи мезонлар ҳисобланади. Бундай педагоглар Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтиришга, маданий-эстетик қарашларини оширишга ва шу педагогик-психологик тамойиллар асосида уларда миллий ғурурни шакллантириш ва такомиллаштириш қобилиятига эгадирлар.

Педагоглар маҳоратини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида Меҳрибонлик уйларида „Педагоглар методика Кенгаши“ фаолият кўрсатади. Кенгашда илгор педагогларнинг тажрибалари оммалаштирилади. Шунингдек, бу Кенгаш педагогларга тажриба алмашиш учун катта имкон беради. Айниқса, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш ва такомиллаштириш шакл, мазмун ва усуллари ишлаб чиқилади.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш билан боғлиқ ишларни амалга оширишда тарбиячи-педагогларнинг роли беқиёсдир. Ўзбекистон Мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган, ижтимоий муносабатлар демократик асосда ва ватанпарварлик руҳида қурилаётган бир пайтда юқори малакали тарбиячи-педагогларнинг Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Зотан, тарбиячи-педагог касби жуда шарафли, лекин ўта мураккабдир. Яхши педагог-тарбиячи бўлишнинг ўзи етарли эмас, айниқса, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатаётган тарбиячи-педагогларга педагогика назариясига мос келмайдиган вазиятлар тез-тез учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак маҳоратни ва ижодкорликни талаб қилади. Шунинг учун бу ердаги болалар ва ўсмирлар билан ишловчи тарбиячи-педагоглар, аввало, меҳрибон, ижодкор, ишбилармон бўлиши зарур. Бунинг учун педагог:

— миллий маданият, умуминсоний қадриятларни пухта билмоғи, дунёвий ва диний илмлардан хабардор, маънавий баркамол бўлмоғи;

— мустақил Ўзбекистонни севадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро бўлмоғи;

— психологик, педагогик билим ва маҳоратни мукамал эгаллаган бўлмоғи;

— ўз касбини ва болаларни яхши кўрадиган, ҳар бир боланинг улғайиб, яхши одам бўлишига, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган бўлмоғи;

— эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи керак.

Психологларнинг ўтказган тадқиқотларидан кўринадикки, ўсмирларнинг кўпчилиги қатъийлик, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, меҳрибонлик, дилкашлик, адолатлилик каби маънавий-ахлоқий тушунчаларни тўғри англайдилар. Шунга мувофиқ, Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирларда миллий урф-одат, удум ва анъаналарга меҳрмуҳаббат уйғотиш ва шу йўсинда тарбиялаш ҳам тарбиячи-педагогларимизга боғлиқдир.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш учун, аввало, педагог-тарбиячиларнинг шахсий хусусиятлари ҳам талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Улар болаларни севиши ва улар билан ишлашга қизиқиши, педагогга хос зийрак ва кузатувчан бўлиш, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаққоний, дилкаш, талабчан, оддий, мақсадга интилувчи, вазмин, ўзини тута биладиган, бир сўз билан айтганда, касбий лаёқатга эга бўлиши керак.

Меҳрибонлик уйида фаолият кўрсатаётган тарбиячи-педагогларимиз ўзларининг педагогик маҳорати ёрдамида ўсмирларга ўзбек миллий урф-одатлари, шарқона маданиятни ўргатадилар ва уларда миллий ғурурни тарбиялайдилар. Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирлар мактабда олган билимларини мустаҳкамлаш учун шу ердаги тўғараклар, қўшимча машғулотларга қатнашадилар. Буни Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 26- Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмир ўғил-қизлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу даргоҳда жами 130 нафар тарбияланувчи бўлса, улардан 65 нафари ўсмирлардир. Бу ўсмир-

лар билан 8 та меҳрибон тарбиячи-педагоглар шуғулланадилар. Меҳрибонлик уйларида ашула ва рақс, расм, наққошлик, зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, косиблик, спорт ва шу каби бошқа тўғарақлар мавжуд. Бу тўғарақлар режа асосида мунтазам ишлаб туради. Бу тўғарақларга педагог-мутахассислар раҳбарлик қиладилар. Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонунининг 4- моддасида „Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи юксак маънавий сифатларга эга, тегишли маълумот ва касбий тайёргарлиги бўлган шахсларга берилади“, — дейилган¹.

Шу қонунга мувофиқ, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагог-тарбиячилар ўзларининг педагогик маҳоратини доимо ривожлантириб боришлари зарур. Ўсмирларни миллий ғурурли қилиб тарбиялашда тарбиячи-педагоглар уларнинг ёши, шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиб, адабий кечалар уюштиришлари мақсадга мувофиқдир.

1. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи 12—13 ёшли ўсмир ўқувчиларда мардлик, дўстлик, ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини ўстириш, „Эртақлар оламига саёҳат“ кечасини ўтказиш, уларнинг адабиёт, санъатга қизиқишларини орттириш, миллий-эстетик дидларини ўстириш, шунингдек, ҳикматли сўзлар билан таништириш мақсадида „Доно бобо даврасида“ кечасини ўтказиш кутилган натижани беради.

2. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи 14—15 ёшгача бўлган ўсмир йигит-қизлар ўртасида „Балли, қизлар“, „Иқбол“, „Балли, йигитлар“, „Миллий урф-одатларимиз“, „Билимдонлар кечаси“ каби бир қанча кеча ва мусобақаларни ўтказиш, ғолибларни аниқлаш, уларни тўғри тақдирлаш ва рағбатлантириш ҳам тарбиячи-педагогларимизнинг маҳоратига боғлиқ.

Меҳрибонлик уйларида баҳор фаслида „Наврўз“ байрами, „Сумалак“ сайилларини ўтказиш ва улардаги отабоболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий кураш, айтишувлар, лапарлар, турли миллий ўйинлару қизларнинг тол попуқлар тақиб юришлари, Наврўз таомларини улашишлари билан бу ердаги кўнгли ярим болаларда ўз

¹ Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонуни, „Маърифат“ газетаси, 1992, 4- б.

миллатига, халқига, урф-одатларига, миллий меросига меҳр-муҳаббат уйғотиш яхши самара беради. Меҳрибонлик уйларига тарбияланувчи ўсмирлар оиладан йироқ яшаганликлари сабабли, уларга оилавий турмуш тарзини, оилавий тарбияни, оиладаги урф-одатларни ўргатиб бориш ҳам педагог-тарбиячи маҳоратига боғлиқдир. Бу борада, албатта, ўзбек оилаларидаги урф-одатларни назардан қолдирмаслигимиз зарур. Тўғри, Меҳрибонлик уйларида „Ўзбекистон — Ватаним маним“, „Она-Ватан“, „Оила“ каби бурчаклар ва кўргазмалар мавжуд. Лекин, булар оилавий турмуш тарзи ўсмирлар ҳақида етарли маълумот бера олмайди. Шунинг учун яқин атрофда жойлашган маҳалладаги намунали оилаларга саёҳатлар уюштириш, кекса, тажрибали онахон ва отахонлар билан учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, оилавий тарбияга оид китобларни ўқишни тавсия этиш ҳам фойдадан холи эмас. Жумладан, „Оила сирлари“, „Сиз келин бўласиз“, „Оилада отанинг роли“, „Фарзандлик бурчи“, „Маҳаллам — отам“ каби мавзуларда маъруза, мунозара ва суҳбатлар ўтказиш тарбиячи-педагоглар ва жамоанинг асосий вазифаларидандир.

Ҳадиси Шарифнинг 77- бобида: „Етим болаларга ўз отасидек марҳаматли бўл“. „Аллоҳ таолога энг сеvimли бўлган уй — етимлар тарбия топган уйдир“, дейилади.

Ота-оналардан бевақт етим қолган болаларни тарбиялаш, уларга илк кўркем хулқ ўргатиш учун уйлар ҳозирлаш ҳаммамизга Аллоҳ томонидан юклатилган бурчдир. Биз мусулмонлар ҳамма вақт бу бурчимизни етарли даражада бажара олмадик. Шу бурчларни бажаришда уларнинг жонларига оро бўларлик нарса ажрата олмадик. Катта таассуф билан айтиш мумкинки, уларни давлат қарамоғига ташлаб қўйдик. Биз Наманган шаҳридаги 26- Меҳрибонлик уйининг директори билан суҳбатлашганимизда, болаларни ўз тарбияларига олмоқчи бўлган оилалар кўплигини ва навбатда турганлар рўйхатини кўрсатди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи болалардан ота-оналари бутунлай кечмаган эканликлари ҳам аниқланди.

„Меҳрибонлик уйи тўғрисида“ги Низомнинг IV қисмида Меҳрибонлик уйига педагог-ҳодимлар контракт асосида қабул қилинади дейилса, Меҳрибонлик уйида таълим жараёнининг психологик таъминлашни психолог

амалга оширади дейилган. Ҳар бир Меҳрибонлик уйида тарбиячи-педагоглар қаторида психологларнинг хизматлари ҳам беқийс. Чунки, бу ерда тарбияланувчиларни психологик жиҳатдан ўрганиш ва улар билан мулоқотда бўлишни психологлар амалга оширадилар.

Психолог-педагог тадқиқотларининг кўрсатишича, ўсмирларнинг ҳар томонлама ривожланиш даражасини белгилашда қилган ва қилинаётган ишларнинг натижаси, атрофдагиларнинг муомаласи ва қизиқишлари муҳимдир.

Бундан кўриниб турибдики, ўсмирлар ўзларини катталардек ҳис қилишади, муомала-муносабат кўникма ва малакаларини ўзларида таркиб топтирадилар ва улардан намуна оладилар. Биз тадқиқот жараёнида Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи тарбиячи-педагоглар билан суҳбатлашдик ва улар учун ҳам анкета саволларини туздик. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Миллий ғурур деганда нимани тушунасиз?
2. Ватан нима?
3. Ватан тимсолларини нималарда кўрасиз?
4. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, удум ва анъаналаримиз ҳақидаги фикрларингиз?
5. Ватан ҳақида шеър, кўшиқ, ривоят, эртақ, ҳикоялар биласизми?
6. Ота-она, фарзанд, унинг ҳуқуқи ва бурчлари нималардан иборат?
7. Меҳрибонлик уйидаги педагогик маҳорат нималарда намоён бўлади?
8. Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни қандай қилиб тарбиялаш мумкин?
9. Меҳрибонлик уйидаги шароитлар сизни қониқтирадими?

Ўзбекистон Республикаси „Таълим тўғрисида“ги Қонунининг 33- моддасида шундай дейилади: „Педагоглар ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этишлари, бола, ўқувчи ва талаба шахсининг кадр-қимматини ҳурматлашлари, уларни меҳнат қонунлари, ота-она ва хотин-қизларга ҳурмат руҳида тарбиялашлари шарт“.

Меҳрибонлик уйида фаолият кўрсатаётган тарбиячи-педагогларнинг шарқона таълим-тарбия усулларини, одоб-ахлоқ мезонларини чуқур ўрганишлари халқ таълими тизи-

мининг долзарб масалаларидан бўлиб, бу ишни мунтазам равишда амалга ошириш лозим.

Тарбиячи-педагоглар шарқона таълим-тарбия йўлларини, ахлоқ-одоб мезонларини, мумтоз педагоглар меросини, халқ педагогикаси анъаналарини чуқур ўрганишлари ва уларни тарбиявий тадбирлар жараёнида татбиқ этишлари лозим. Бунинг учун кенг имкониятлар мавжуд. Радио ва телекўрсатув, вақтли матбуот саҳифалари, турли педагогик анжуманлар, кўплаб чоп этилаётган қўлланма ва рисоалардан халқимизнинг ифтихори ал-Хоразмий, Форобий, ал-Беруний, ибн Сино, аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Улугбек, Навоий, Бобур, Абдулла Авлоний сингари кўплаб миллий тарбия етакчиларининг асарлари ҳам, асрлар давомида миллатимиз эътиқоди бўлмиш Ислом дини ахлоқий мезонларининг тарғиботчилари ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, Яссавийларнинг ниймон-эътиқод, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия борасидаги беқиёс меросларини ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳам бу ерда фаолият кўрсатаётган педагоглар ва тарбиячиларнинг маҳоратларини оширади.

Педагогик маҳорат тажриба маҳсули бўлиб, тарбиячи-педагогнинг шахсидаги табиий имкониятлар, педагогик-психологик иқтидор, ўз ишига ўта масъулият билан қараш, боладаги ўзгаришларни ўзи сезиши ва ҳар қандай шароитларни ҳисобга олиб, ўсмир шахсига, улар жамоасига тўғри таъсир эта олишнинг намоён бўлишидир.

Шундай экан, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи тарбиячи-педагоглар педагогика ва психология фанларини мукаммал билишлари, педагогик-дидактик усулларни ўрнида қўллаш, ижодкор педагогларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиши, театр педагогикаси, нотиклик санъати билан яқиндан таниш бўлишлари лозим. Телекўрсатув, матбуот янгиликлари, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий янгиликлардан хабардор бўлишлари лозим.

Биз Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатаётган тарбиячи-педагогларнинг педагогик маҳоратлари ва ўсмирларда миллий ғурур ва ватанпарварлик сифатларини шакллантириш бўйича фикрлари билан қизиққаннимизда шундай нарсамалум бўлдики, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи тарбиячи-педагоглар ўсмирларни чинакам ватанпарварлик, мустақилликка садоқат руҳида тарбиялашга инти-

ладилар. Шундай экан, ҳар бир педагог ўз тарбияланувчисида миллий гуруҳ, ватанпарварлик сифатларини камол топтиришда қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

— она-Ватан, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўсмир онгига сингдириш ва унга содиқ бўлишни таъминлаш;

— Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда унинг ривожига ҳисса қўшиш, юртнинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш руҳида тарбиялаш;

— ўзбек халқининг маданий меросини асраб-авайлаш ва уларнинг тарихини ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини билиш;

— ўз миллатига, она-Ватанига, иймон-этиқодига содиқ бўлиш;

— соғлом куч, соғлом тафаккур, ҳалоллик ва покизаликни шакллантириш;

— Ватан олдида масъулият, миллат манфаати билан яшашни, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига ҳисса қўшишни, фидойилик ва ҳалоллик билан меҳнат қилишни, халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлашни, инсонпарвар бўлишни ўргатиш;

— Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия жараёнини мукаммаллаштиришда психолог зиммасига катта масъулият юкланади. Психолог Меҳрибонлик уйи маъмурияти, тарбиячи-педагоглар, ота-оналар ва ўсмирлар билан ишлашга масъул бўлган шахсдир. Водийдаги барча Меҳрибонлик уйларида психологлар шу ердаги таълим-тарбия жараёнининг психологик омилларини амалга оширади. У ўсмир ва болаларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, оилавий шароитларни, билим доирасини ва дунёқарашини ўрганиши, улардаги ижобий ва салбий сифатларни келтириб чиқарган сабабларни англаши ва таъсирчан омилларнинг асосий йўналишларини белгилаб олиши керак. Психолог ўсмир ва болалар психологиясида педагогик ва социал жиҳатларни бевосита амалиётга татбиқ этади. Ўсмирларнинг психологик ривожланишига имконият яратади. У ўсмирларга таъсир этувчи шахслар орасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу қуйидаги жадвалдан ҳам кўринади:



Психолог ўсмирга таъсир этиш билан бир қаторда, атрофдаги шахсларнинг таъсирини ўрганиш ва унга ўзгаришлар кирита олиши керак. Бунга мисол тариқасида 26- Меҳрибонлик уйида фаолият кўрсатаётган психолог Қамбарова Гулсара Муродовнанинг фаолиятини келтириш мумкин. Психологнинг ўсмирлар билан маънавий ва маърифат кунларини ўтказишдаги, турли кечалар уюштиришдаги, рағбатлантиришдаги, айрим ҳолларда уларни огоҳлантиришдаги иштироки ўсмирлар руҳиятини англашга ёрдам беради. Зеро, психологнинг бу фаолияти таълим-тарбия ишларини тўғри йўналтиришга самарали таъсир кўрсатади.

Демак, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар қатори психологларнинг ҳам ўсмирларда миллий ғурурни камол топтиришда алоҳида ўрни бўлиши керак.

Психолог Меҳрибонлик уйларида қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

1. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, илк иқтидорини аниқлаш.

2. Хулқини ва руҳиятини аниқ билиш.

3. Ёшларнинг давр тараққиётининг муайян мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларнинг камолот даражасини аниқлаш.

4. Ўсмирларнинг катталар билан ва ўз тенгқурлари, тенгдошлари билан муомаласининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

5. Меҳрибонлик уйларида ўсмирларнинг талаби, эҳтиёжи, қизиқишлари, ижтимоий қарашлари, турмушга муносабатини ўрганиш ва зарурий психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

6. Ўсмирларнинг экологик, иқтисодий, сиёсий, этно-психологик билимлари савиясини аниқлаш.

7. Тўғарақлар, мусобақалар, мунозаралар ташкил этишга руҳий тайёрлаш.

8. Давлат мулкани асраш туйғусини аниқлаш, тежамкорлик, мол-мулкни асраш ҳиссини шакллантириш, меҳнатни қадрлаш бурчини шакллантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий ғурур, миллатлараро муносабат маданиятини таркиб топтиришга руҳий жиҳатдан қўмаклашиш.

Биз тадқиқот давомида (1996 йилда) Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатаётган тарбиячи-педагоглар учун дастур ишлаб чиқдик. У Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантириш мақсадида тажриба ўтказиш учун тайёрланди.

Хулоса қилиб айтганда, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагогларнинг ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш маҳоратларини такомиллаштириш педагогнинг педагогик одоби, масъулияти, бурчи, билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида ўз устида тинмай ишлаши, педагогика фанининг назариясини пухта эгаллаши муҳим аҳамиятга молик.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ЎСМИРЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ШАРҚОНА АНЪАНАЛАР АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ШАКЛИ, МАЗМУНИ ВА УСУЛЛАРИ

Ўзбекистонда миллий истиқлолдан кейин миллий қадриятлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий ахлоқ-одоб, урф-одатларни янада шакллантириш ва таълим-тарбияни шу асосда олиб бориш масаласи кўтарилди. Чунки, келажаги буюк давлатни барпо этиш худди шу педагогик-психологик муаммони ҳал этиш билан боғлиқдир.

Ўзбек халқининг тарбия соҳасидаги ўзига хос тарбия дорилфунуни ҳозирги ёшларни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, эстетик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Халқнинг шарқона тарбия анъаналари кадршунослик, удумшунослик, меросшунослик, маънавиятшунослик, ҳадисшунослик, диний-ахлоқий таълимот ва

шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, у ўзида маънавий, маърифий, ижтимоий, фалсафий, эстетик ва жисмоний камолот хусусидаги фикрлар ва тажриба ҳамда хулосаларни мужассамлаштирган.

Ўзбек халқ педагогикасида иймон-эътиқод, ишонтириш, ибрат кўрсатиш, таъсир ўтказиш, тасдиқлаш ёки инкор этиш, қиёслаш ва шу каби хислатлар ўз ифодасини топган. Зотан, миллий истиқлол шарофати туфайли умуминсоний ва шарқона қадриятларни ҳамда уларнинг маъно-моҳиятини чуқур англаб олдик.

Халқнинг ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, тарбиянинг шакл ва усуллари, инсоний қадриятлар ва ватанпарварлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, поклик, ҳаром луқмадан ўзини тийиш, яхшилик, биродарлик, дўстлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарга муҳаббат, олийжаноблик, инсофли бўлиш, ботирлик, жасурлик, адолат, меҳмондўстлик, юксак одобли бўлиш, бошқаларнинг қадрига етиш, ҳурмат, меҳр-мурувват, ҳалимлик, сўзига вафодорлик, андишали ва ор-номусли бўлиш, фаросат, тежамкорлик, масъулиятлилиқ, тозалик, соғломлик, табиатни эъзозлаш, катталарга ҳурмат, ҳашарларда фаол қатнашиш, ёшларга меҳр-шафқат ва шу кабилар инсон руҳида ўз халқи ва Ватанидан фахрланишдек миллий гурур туйғуларини уйғотади.

Муқаддас Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда илгари сурилган педагогик ғоялар шарқона тарбия анъаналарининг асоси десак, янглишмаймиз. Шарқона тарбия сабоқлари билан Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифлардаги муборак фикрлар анча муштаракдир.

Шунингдек, ал-Бухорий, ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро каби муътабар зотлар қолдирган диний-ахлоқий, маънавий-маърифий мерос, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, аз-Замахшарий, Имом Ғаззолий, Форобий сингари қомусий олимлар қолдирган ижтимоий-педагогик, фалсафий-педагогик ғоялар, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Саъдий, Оғаҳий, Абдулла Авлоний каби мумтоз шоир ва педагог-олимларнинг педагогик қарашлари ҳозирги ёш авлодни тарбиялашда ва унинг миллий гурурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг ҳикматли ва ибратли фикрлари миллий гурурни тарбиялашда тарбия мазмунини белгилаб беради.

Ўзбекистон собит қадамлар билан ўз истиқлол ва тараққиёт йулидан бормоқда. Бу йўл миллий хусусиятлар, қадриятларни тиклаш, сақлаш, ривожлантириш, мудраб ётган миллий ғуруримизни уйғотиш, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга содиқликка асосланган мафкура асосида истиқлол ва камолот сари йўналтиради. Бу эса, ўз навбатида, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий ахлоқ-одоб, миллий истиқлол, мафкуравий онг ва тафаккур каби инсоннинг миллий хусусиятига, бевосита шарқона ҳаётга ижобий муносабатларини тарбиялаш шакллари, усул ва воситаларини педагогик категорияларга ва ёшларнинг шахсий сифатларига айлантиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Зеро, аждодлар ор-номусини ҳимоя қилиш, уларнинг ватанпарварлик ғояларига, миллий қадриятларига содиқ бўлиш мустақилликнинг асосий мезонларидандир.

Дарҳақиқат, шарқона миллий тарбия Ўзбекистон миллий истиқлолининг педагогик маҳсули ва шартидир. Шарқона миллий тарбия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва бу борадаги барча ишларни амалга оширишга тайёр фарзандларни тарбиялаб етиштиришга хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон мактабларида, мактаб-интернатларида, Меҳрибонлик уйларида миллий шарқона тарбиянинг мезонларини илмий асослаш заруриятини пайдо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийсида жойлашган барча Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг шарқона руҳда тарбияланганлик мезонларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг шарқона миллий тарбия мезонларини белгилашда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб-ахлоқ, виждонийлик каби хислатлар муҳим ўрин тутди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг шарқона, миллий руҳда тарбияланганлик мезонларини белгилаш мақсадида синф ва синфдан ташқари ишлар, Меҳрибонлик уйидаги тадбирлар, ўсмирларнинг кундалик фаолиятлари, турли тўғаракларга қатнашишлари кузатилди, уларнинг ёш ва ақлий имкониятлари алоҳида эътиборга олинди. Қуйидаги мезон ва кўрсаткичлар тизимига мурожаат қиламиз:

**Меҳрибонлик уйлари шароитида ўсмирларнинг шарқона
миллий ҳаётга ижобий муносабатларини тарбиялашнинг
мезон ва кўрсаткичлари**

№	Мезонлари	Кўрсаткичлари
1	Ватанни англаш	Меҳрибонлик уйлари ўсмирлари Ўзбекистоннинг табиий, жугрофий, маънавий ва миллий моҳиятини англаш, ўлканинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва келажаги ҳақида тушунчаларга эгаллик. Ўзбек халқининг мард ва қаҳрамон фарзандлари хизматларини билиш. Ўзбекистоннинг давлат рамзларини билиш.
2	Миллий гуруҳ асослари	„Ўзбек халқи“ тушунчасининг тарихий, маданий моҳиятини тушуниш. Ўз халқи анъаналари, маданиятини билиш, она тилида соф, гўғри сўзлаш, ўзининг миллат фарзанди сифатида бурчларини англаш. Халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш, миллий қаҳрамонларини ҳурмат қилиш. Ўзбек санъатига муносабат. Умуминсоний қадриятларга муносабат, шарқона урф-одатларга муносабат. Она тилига ҳурмат, ўзбек халқи тарихи, миллат тарихига ва тақдирига бефарқлик ғояларига ўзининг салбий муносабатларини билдира олиш. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг шарқ алломалари ҳаёти, ижодига ҳурмати, уларнинг ўғитларини билиш ва амалда намоён қила билиш. Ўзбек халқига ва бошқа халқларга ҳурмат, шарқона маданият, қадр-қиммат, миллий анъаналарни авайлаб-асраш, ўз халқи тарихини билиш, ўзбек санъатига қизиқиш, миллий гуруҳсизликка салбий муносабат билдириш.
3	Миллий одоб	Аввал саломлашиб, кейин сўз бошлаш, ўзбек халқида „Яхши“, „Ёмон“ деб баҳоланувчи хулқ намуналарини билиш, барчани „Сиз“лаш, ўзидан катта-кичикларни иззатлаш, дўстлик бурчларини билиш, устозларни эъзозлаш, уят сўз билан сўқинишга, одобсизликка салбий муносабат. Меҳрибонлик уйлари ва тарбиячиларига эҳтиром: аждодлари, оила шаънини сақлаш, поклик, хушмуомалалик, ака-укалар-

		<p>га, опа-сингилларга, қариндошлар, синфдош, гуруҳдошларига эътиборлилик, биров устидан кулмаслик, миллий одоб меъёрлари бузилишини англай олиш ва уларга муносабат билдириш. Ҳар бир жиддий ишни Меҳрибонлик уйидаги гуруҳ тарбиячиси билан маслаҳатлашган ҳолда бошлаш, самимий саломлашиш, меҳрибонлик уйидаги, қишлоқ, маҳалла, гузар, турар-жойдаги мавқеи ва ҳурмати, мактабдаги ҳурмати, маросимларда ўзини тутиши, ўтган авлодлар тажрибасини англаш, ўзидан кичикларга гамхўрлик қила билиш, қиз болаларни авайлаб-эъозлаш, ўғил болаларни гурурли, мард, шижоатли сифатларига эгалиklarининг эъозланиши, кек сақла-маслик, уришганларни яраштира олиш. Ички шарқона миллий муомала, оилавий турмуш одобини эгаллаганлик, ҳис-туйғуларини вақтида жиловлай олиш.</p>
4	Виждонийлик	<p>Ростўйлик, яхши хулққа ижобий, ёмон хулққа салбий муносабатини билдира бориш, кўнглидаги гапни очиқ айтишга ўргана бориш. Бурчларини англаши ва уларга муносабати, сўзи ва иши орасидаги бирлик, ноҳақлик ва адолатсизлик маъносини тушуниш, ўзига раво кўрмаган ишлардан ўртоқларини қайтара олиш, инсон вақти, умрини қадрлаш, хато ва гуноҳ иш қилганда тан олиш, ёлғончи, „Ёмон“ деб ном чиқарган болаларга муносабат.</p>
5	Миллий мафкуравий дунёқараш асослари	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни ёшига мос равишда билиш, миллий давлатимизнинг жаҳон, Марказий Осиёдаги ўрнини англаш, барча Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи гуруҳдошлари, синфдошлари, танишбилишларини тенг билиш, кўча, гузар, қишлоқ, маҳаллага қараб имтиёз бериш ёки чеклашга салбий муносабат, ўзбек халқи қаҳрамонларини билиш, Ўзбекистон турли миллат болаларининг ягона Ватани эканлигини англаш.</p>

6	Ватанпарварлик	<p>Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда Туркистон, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларининг кенглиги, ўлка табиатини севиш, республика ютуқларидан фахрланиш, дахлдорлик, ўқишга муносабати, Ватанга муҳаббат ақидасини англаш, давлат ва хусусий мулк дахлсизлигини англаш. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонч, истиқлол тарихи, мамлакатимизда содир бўлаётган энг муҳим воқеа-ҳодисаларни билиш, Ўзбекистоннинг энг буюк фарзандлари ва қаҳрамонлари билан фахрланиш туйғуси, ватанпарварлик моҳиятига эга бўлган тadbирларда кўнгилли иштирок этиш, ўлка табиатини авайлаш, жонкуярлик, Ўзбекистон ҳимоясига тайёргарлик, фидойилик, ватанпарварликни тушуниш.</p>
7	Миллатлараро мулоқот маданияти	<p>Ўзбек халқи қадриятларининг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги ҳамда Ўзбекистонда барча миллатларнинг қонуний тенглигини англаш. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг ўзлари билан ёнма-ён яшайдиган миллатлар маданияти, тили, санъати, урф-одати ҳақида тасаввурларга эгалик, бошқа миллат вакиллари бўлган тенгқурларига ҳурматини билдира олиш. „Ўзбекистон халқи“ тушунчасининг байналмилал мазмунини англаш. Миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат, миллатлараро мулоқот маданиятига зид хатти-ҳаракатга салбий муносабат билдириш. Ҳар бир миллат ўзбек миллатидек шарқона гўзал анъана, маданият соҳиби эканлигига, миллатлар ўзаро фарқли, лекин тенглигига эътиқод, миллатлараро мулоқот шаклларини билиш ва улардан фойдаланиш, миллатлараро муносабатларни яхшилаш ишларида қатнашиш, Ўзбекистонга садоқатли бўлган барча халқларга қизиқиш, уларга ҳурмат туйғуси.</p>
8	Миллий истиқлол ва мафкуравий онг	<p>Меҳрибонлик уйлари ўсмирлари Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва истиқболи ҳақида тасаввурларга эгаликлари. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманлари, шаҳар-қишлоқларининг бир бутунлигини англаш.</p>

		<p>Республика ютуқларидан фахрланиш, дахлдорлик, Ўзбекистон ҳукуматининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатидан бохабарлик. Ўзбекистоннинг жаҳон ва Марказий Осиёдаги мавқеини англаш, Ўзбекистон халқининг мафкуравий бирлигига зид ташқи (бошқа давлатлардан) ёки ички (миллатчилик, маҳаллачилик, гуруҳбозлик кабилар) кўринишларига салбий муносабат билдириш. Давлат тилига муносабатдаги ҳурматлилик, Ўзбекистон халқининг мафкуравий бирлигига раҳна солувчи ташқи ва ички бўлинишларга, ажралишларга қарши туриш.</p>
--	--	--

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг шарқона ҳаётга ижобий муносабатларини шакллантиришда, шарқ халқларининг яхшилик, ҳожатбарорлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик каби хислатларини тарбиялашда тарбиянинг савол-жавоб, панд-насихат, намуна сингари шаклларида кенг фойдаланиш мумкин.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг шарқона ҳаётга ижобий муносабатларини шакллантириш, уларнинг синфдан ва мактабдан ташқари фаолиятини ташкил этиш Меҳрибонлик уйи шароитида ва жамоатчилик ўртасида олиб борилаётган маданий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларни шарқона тарбиялашнинг усуллари, шакл ва воситаларини яратишда қуйидагиларга мезон сифатида таяниш мумкин:

- Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларга таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ўзбек ва шарқ педагогикаси мероси ва ютуқлари;

- узлуксиз таълим-тарбияни миллийлаштириш;

- таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари шарқона талаблар асосида такомиллаштириш, амалий аҳамиятини кучайтириш;

- шарқона тарбиялаш асосида уюштирилаётган тарбиявий ишлар усуллари, шакл ва воситалар самарадорлигини аниқлаб олиш.

Ўсмирларнинг шарқона тарбияга ижобий муносабатини тарбиялашга йўналтирилган тарбиявий ишларнинг асосий хусусияти ўсмир кундалик ҳаётининг таркибий қисми сифатида намоён бўлишидир.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг шарқона ҳаётга ижобий муносабатларини шакллантиришга ажратилган тарбиявий ишлар ўсмирларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уюштирилади. Улар мазмунига ўрганиладиган даврнинг ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаёти ва моҳияти сингдирилади. Шу моҳиятти англаш ва аҳамиятини ёритиш учун эса ўша давр учун тавсифли бўлган таъсирчан воситаларга мурожаат қилинади. Бунда бадиий адабиёт, мусиқа, санъат асарлари, халқ амалий санъати, меъморчилик, шарқона байрамлар, анъаналар, урф-одатлар, ўзбек халқ ўйинлари, театр, кино, радио, ойнаи жаҳон, матбуот асосий восита ҳисобланади. Тарбия жараёнида бундай воситалардан фойдаланиш, уларнинг мазмунини идрок этиш, тасаввур ва тафаккур қилиш натижасида ўқувчининг маънавий маданияти шакллантирилади, миллий ғурур ва онги юксалади.

Халқ педагогикасининг нодир намуналари, тарбия усуллари ва тарбиявий таъсирлари муайян воситалар орқали амалга оширилган. Чунончи:

- меҳмон кутиш;
- турли меҳнат жараёнлари ва ҳашарларда иштирок этиш;
- турли гурунглар (чойхона, тўй маросимлари);
- сайиллар, (қовун сайли, гул сайли, лола сайли, сумалак сайли, дала сайли);
- миллий ўйинлар;
- нишонлаш тадбирлари (туғилган кун, мучал тўйини нишонлаш, қизлар базми, йигитлар базми);
- турли мусобақалар (спорт мусобақаси, балли йигитлар, иқбол, қизлар мусобақаси, фанлар бўйича мусобақа, шарқона одоб-ахлоқ бўйича мусобақа);
- турли маросимлар (маърака, тўй);
- сафарга чиқиш (овга бориш, бизнинг замонамизда кино, театр, истироҳат боғи, оммавий йиғилиш — томошаларга бориш ва байрамлар, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврўз).

Биз тадқиқот давомида юқоридаги воситалардан кенг фойдаланган ҳолда турли тадбирлар ўтказдик. Шарқона миллий тарбияга умуминсоний қадриятлар асос қилиб олинди ва, ўз навбатида, тарбиянинг шунга мувофиқ усул ва шакллари белгиланди. Бу ердаги шарқона ҳаётга ижобий муносабатларни тарбиялаш билан бирга, уларни ҳаётнинг, турмушнинг оғир, енгил синовларига тайёрлаб боришга ҳам эътибор бердик ва тарбиянинг қуйидаги шаклларида фойдаландик:

- ўғит, насиҳат;
- намуна бўлиш;
- меҳнатда чиниқтириш.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг шарқона ҳаётга муносабатларини тарбиялашда халқ педагогикаси билан бирга, ҳозирги замон педагогикасининг тарбия усулларида ҳам фойдаландик:

— ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар (тушунтириш, суҳбат, ҳикоя ва намуна);

— фаолият жараёнида ижтимоий ҳуқуқ тажрибаларини шакллантириш усуллари;

— машқ ўргатиш усуллари, ўргатиш (топшириқ, педагогик талаб);

— ўз-ўзини тарбиялаш усуллари (ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш);

— рағбатлантириш усуллари: а) ўқувчининг кучи етдиган масъулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш; б) рағбатлантириш (ота-она, болалар жамоаси олдида); в) эсдалик совға бериш (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар); г) мақтов ёрлиғи бериш; д) стипендия билан тақдирлаш; е) ҳурмат тахтасига суратини қўйиш; ё) сафда биринчи ўринда туриш; и) маъмурият ва жамоанинг биринчилиги; ж) мусобақада байроқ кўтариш; к) газетада, радиода эълон ва ҳоказо; л) жазолаш (танбеҳ бериш, ҳайфсан бериш, уялтириш ва ш.к.)

Бу педагогик тарбия восита, шакл ва усулларида қўллаш, уларнинг меъёрини билиш, тарбиявий таъсирини ошириш, ўсмир яшаётган муҳит шароити ва унинг ёши, индивидуал, психологик хусусиятларига боғлиқдир.

Меҳрибонлик уйларида шарқона тарбияни шакллантиришнинг жонли, ибратли намуналари сифатида миллий урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, маросимлар-

ни жозибали, қизиқарли тарзда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Буларни амалиётда қўллаш учун ҳаётий ми-соллардан, бадиий адабиёт материалларидан кенг фойда-ланиш мумкин.

Оилавий ҳаётга тайёрлаш шарқона ҳаётга ижобий му-носабатларни тарбиялашнинг ёрқин кўринишидир. Бунда меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш қонун-қоидалари, дас-турхон тузаш, ҳол-аҳвол сўраш, шарқона саломлашиш, уй тутиш, оила аъзоларига, қўни-қўшни, қариндош-уруғ-ларига меҳр-муҳаббати ва шу қабила ўргатилади. Меҳри-бонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларга оилавий ҳаёт тўғрисидаги билимлар „Одобнома“, „Маънавият“ ва бош-қа дарсларда, тарбиявий соатларда ўргатилса, оилавий ҳаётга тайёрлаш эса турли тўғарақлар, мусобақалар, суҳ-бат, шунингдек, саҳна кўринишлари орқали амалга оши-рилади. Бу борадаги ўсмирларнинг билимини ҳисобга олиб, қуйидаги сўров-саволлар билан мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбек урф-одат ва маросимларини биласизми? Кунда-лик турмуш билан боғлиқ ҳолатлар нималардан иборат? Шарқона оила тантаналари қандай ўтказилади? Меҳмон кутишни биласизми? Меҳмонга бориш одоби қандай? Шарқона оила анжомларини биласизми? Шарқона ки-йим-кечаклар, тақинчоқлар ва безаклар ҳақидаги фикрин-гиз? „Меҳмон отангдек улуг“ нақлига қандай қарайсиз? Оилангизда қандай оилавий анъаналар бўлишини хоҳлай-сиз? Шарқона байрамлар: Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайи-ти, Наврўз ҳақида нималарни биласиз? Шарқона тарбия-га оид қандай бадиий адабиётларни ўқигансиз? Шарқона муносабатларни ифодаловчи қандай радио эшиттириш-ларни, кинофильмлар ва спектаклларни биласиз?

Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг шарқона ҳаётга ижобий муносабатларини тарбиялашда шарқ халқларининг, жумладан, ўзбекларнинг миллий қиёфаси ҳам катта аҳами-ятга эга. Чунки, ўзбек халқи ўзининг руҳий қиёфаси, мил-лий хусусияти, миллий хулқ-атвори, миллий туйғуси, ми-жози, диди, таъби, шунингдек, тарихий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, ахлоқ меъёри, турмуш тарзи, кишилар билан муносабати, мулоқот мароми ва бошқа ху-сусиятлари билан бошқа миллатлардан ажралиб туради.

Шунингдек, ўсмирлар билан маънавий тарбияга оид ранг-баранг мавзуларда суҳбатлар ва диспутлар ўтказиш, қадимий шаҳарлар ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириш,

шу саёхатлардан олинган таассуротлар бўйича савол-жавоб, баҳслар ташкил қилиш ва бадий-тарбиявий кечалар ўтказиш миллий гурурни тарбиялашнинг дидактик-педагогик шаклларида ҳисобланади, қолаверса, улар ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб, миллий истиқлол гоёси ва мафкурага асосланиши лозим.

Юқорида кўрсатилган тадбирлар асосида Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий гурурни шакллантириш ва тарбиялаш модели ишлаб чиқилди.

6- жадвал



Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг шарқона ҳаётга муносабатларини тарбиялашда ана шу анъаналарнинг таъсири кучли деб топдик. Шунинг учун инсон шахсининг шаклланишида ижобий таъсир кўрсатадиган анъаналардан фойдаланиб, Меҳрибонлик уйи ўсмирларини оилавий турмушга тайёрлаш айни муддаодир. Қуда-андачилик, қиз унаштириш, куёв чақириш, келин салом, совчилик ва бошқалар ёш оиланинг пухта, мустаҳкам бўлиши учун катта аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг ҳар қандай вазиятда ҳам меҳмонни самимий, беминнат кутиб олиш одати, саломлашиш одоби, миллий урф-одатларнинг ибратли кўринишларидан ҳисобланади. Бу одоб сирларини Меҳрибонлик уйи ўсмирларига ўргатиш уларни турмушга тайёрлашнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, шарқ халқлари миллий қадриятлари ҳақидаги шарқ мутафаккирларининг илмий мероси, ёзма бадиий ижод шакллари (панднома, мумтоз ва ҳозирги замон бадиий ижод намуналари), шунингдек, турли характердаги санъат асарлари, халқ ҳунармандчилиги, бадиий-эстетик анъаналар, урф-одатлар, байрамлар ва бошқалар асосли билим беради. Таълим-тарбияда шарқона анъаналардан унумли ва самарали фойдаланиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, турли шакл ва усуллари Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар миллий гурурини тарбиялашда ва юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

ЎСМИРЛАРДА МИЛЛИЙ ГУРУРНИ ТАРБИЯЛАШДА МЕҲРИБОНЛИК УЙИ БИЛАН ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларни бугунги кун руҳида тарбиялаш моддий ва маънавий бойликларни тўғри тақсимлашни талаб этади. Бу вазифани бажариш фақатгина Меҳрибонлик уйларигагина юклатиб қўйилмайди. Бу ишни амалга оширишда оила, оталиқ ташкилотлар Меҳрибонлик уйи билан ҳамкорликда фаолият кўрсатадилар. Бу ижтимоий ҳимоялашнинг бир кўринишидир. Айниқса, Меҳрибонлик уйида таълим-тарбияни тўғри шакллантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлар, оталиқ ташкилотлари ҳамкорлиги асосий ўринни эгаллайди.

Демак, бозор муносабатлари вужудга келган даврда Меҳрибонлик уйи билан оталиқ ташкилотлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш ижтимоий-маънавий аҳамият касб этади.

Бу тўғрида юртбошимиз ижтимоий ҳимоялаш масалалари миллий анъаналар ва урф-одатларга таянган ҳолда бошқа ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга доир муаммолар билан узвий равишда ҳал этилиши кераклигини алоҳида таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, Меҳрибонлик уйларига гамхўрлик давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда оталиқ/ташкилотлари билан ҳамкорлик, муқаддас Куръони Карим ва Ҳадис намуналари ва ўзбек халқи анъаналарига амал қилган ҳолда ташкил қилинган.

Муҳаммад Пайғамбаримиз Ҳадисларида шундай дейилган: „Мен етимларнинг кафиллигини олган одамлар билан жаннатда бирга бўлурман“, „Бева хотинларга ва мискин бечораларга ёрдам берувчи кишилар гўё тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир“, „Қаровсиз қолган мўминлар оилаларига кеча-кундуз моддий ёрдам кўрсатиб юрувчи одамнинг гуноҳларини Тангри кечириб юборади“.

Биринчи Ҳадисда етим-есирларга моддий, маънавий ва маърифий ёрдам кўрсатиш, уларни оёққа турғизиб, ниҳоят, жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялаш вазифалари қўйилади. Бу инсонпарварликнинг энг яхши намунасидир. Иккинчи Ҳадисда бева қолган аёллар, яъни ёлғиз аёллар, уларнинг фарзандларига ёрдам кўрсатиш ғояси илгари сурилади. Учинчи Ҳадис эса қаровсиз қолган оилаларга гамхўрлик қилиш ва инсонпарварлик вазифасини қўяди.

Демак, аҳилликда, ҳамкорликда, бирликда, ҳамжиҳатликда, ўзаро маслаҳат одобида ҳикмат қўп. Шу муътабар омилларга амал қилган ҳар бир киши ва ҳатто давлатнинг иши юришаверади. Шундай экан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги бирдамлик, ҳамжиҳатлик, иноқлик муҳим аҳамият касб этади.

Республика умумтаълим мактаблари, Меҳрибонлик уйлари, турар жой ва маҳаллаларда ўсмир ёшлар ва болаларни тарбиялашда ота-боболаримиз услубини қўллаш, миллий ва тарихий меросимизга, халқ педагогикасига асосланиш лозим. Республикаимизнинг тараққиёт ва ўзгаришларга бой даврида инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ҳозирги кун талаби ва эҳтиёжидир. Мактабларда, Меҳрибонлик уйларида маънавий бақувват, билимли, ўз мустақил Ватанимизни севадиган, ундан гурурланиш туйғусига эга кишиларни тарбиялаш керак. Бу таълим-тарбия олдидаги мураккаб, кенг кўламли муаммолардан биридир. Бундай улкан, масъулиятли, шарафли вазифани ҳал этишда

Меҳрибонлик уйлари, мактаб, оила ва кенг жамоатчилик, оталиқ ташкилотлар, маҳалла аҳли ҳамкорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Айниқса, Меҳрибонлик уйларининг маҳалла аҳли ва мактаб билан ҳамкорликда ишлашнинг яхши йўлга қўйиш ҳозирги пайтда ўсмирлар орасида тартиббузарлик, ўғрилиқ, тан жароҳати етказиш, номусга тажовуз қилиш, гиёҳвандлик, террорчилик ва шунга ўхшаш маиший бузуқликлар билан шуғулланишнинг олдини олиш учун муҳим омиллар ҳисобланади. Маҳалланинг устунлиги шундаки, кўп йиллар давомида бирга яшаган кишилар ягона оилага уюшганлар. Улар бир-бирларини, ҳар бир оила ва ҳар бир болани тарбиялашда ота-онанинг мавқелари ва имкониятларини яхши биладилар. Маҳаллаларнинг ижобий иш тажрибаси, бола тарбиясидаги бой халқ педагогикаси воситалари ҳам турли халқлар, элатлар ва уларнинг оилавий анъаналари, шунингдек, Меҳрибонлик уйи ўсмир ёшлари билан олиб бориладиган ҳамкорликдаги тарбиявий ишларнинг самарали шакллари излаш бўйича иш ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳрибонлик уйларида оталиқ ташкилотлар, оила ва маҳаллаларда ёшлар, болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг асосий мақсади, йўналиши ва вазифалари бўлиши шарт.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантириш даражаси оталиқ ташкилотлар, маҳалла, оила ҳамкорлигини ташкил этишда уларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, ёшига, интилишига мос келадиган меҳнат фаолиятига жалб этиш, касб танлашга эътибор беришларига боғлиқ. Маҳалла, оталиқ ташкилотлар, оилалар, Меҳрибонлик уйлари ҳамкорлигида ҳар томонлама камолга эришган миллий ғурурли йигит-қизларни тарбиялаб чиқармоғи керак. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

1. Жисмонан ва ақлан соғлом, умуминсоний, маданий даражаси юқори замонавий ёшларни тарбиялаш.

2. Ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар ва халқпарвар авлодни етиштириш.

3. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларига маҳаллий шароит талаб қиладиган ҳунар, касб эгаллашга ва замонавий илм-технология асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ўргатиш.

4. Маҳалла ёшлари қатори Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг миллий спорт турлари билан шуғулланишларини таъминлаш ва халқаро спорт турларини эгаллаб, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишга кўмаклашиш.

5. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларини умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш.

6. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида ўз тарихи ва маданиятини чуқур эгаллашга интилиш ва бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш ҳисларини шакллантириш.

7. Миллий, маҳаллий урф-одатлар, анъаналарга риоя қилиш, бошқа миллатлар урф-одатларига ҳурмат билан қараш, кези келганда миллатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ўзаро бойитишга интилишни таъминлаш.

8. Меҳрибонлик уйлари ўсмирлари орасидан истеъдодли ёшларни аниқлаб, уларнинг келажагидаги ижодий фаолиятларига кўмаклашиш.

9. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида инсонпарварлик меъёрини шакллантириш (меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатли, ирқий ва миллий камситишларга мурасасизлик), муомала одоби, зиёли бўлиш каби тарбия чоралари (ноҳақликка, ёлгончиликка, туҳмат, чақимчиликка мурасасизлик)ни таркиб топтириш.

10. Ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, улуғ ажодларимиз меросига садоқат руҳини сингдириш, уни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимоясига ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси рамзларига ҳурмат билан қараш, ўсмирларни Ўзбекистон мадҳияси, байроғи, тамғаси, Конституциясига садоқатли қилиб тарбиялаш.

11. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларини турли меҳнатга ўргатиш билан бирга келажакка замин ҳозирлаш. Шунинг учун уларга меҳнатнинг туб моҳиятини, ижтимоий фойдасини, инсон меҳнати билан ардоқли эканлигини болалар онгига сингдириш, тўғри сўзлик ва масъулият ҳиссини тарбиялаш.

12. Келажак ҳаётимизда соғлом турмуш учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлишга тайёрлаш.

13. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва уларнинг келажакдаги оқибатига масъулият билан қараш ҳислатларини тарбиялаш.

Ҳозирги бола тарбияси соҳасидаги тажриба Меҳрибонлик уйларидаги тарбиячи-педагогларни, маҳаллада ота-оналарни, маҳалладошларни, устозларни, оталиқ ташкилот ва жамоатчиликни меҳрибонликка, болаларнинг таълим-тарбиясига меҳр кўзи билан қарашга, етим бўлса, бошини сийлашга, муҳтожларга ёрдам кўрсатишга ундайди. Шу мақсадда Меҳрибонлик уйи қошида ўз Низомига эга бўлган „Меҳрибонлик клуби“ни ташкил қилиш, унга маҳалладан энг эътиборли оила бошлиғини, оталиқ ташкилотларидан маърифатпарвар фаолларини сайлаш зарур. Улар Меҳрибонлик уйи ўсмирлари ва болалар тарбиясида оила сирларини ва ўзбек миллий урф-одатлари, анъаналари, тарихини ўргатишда, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришда маҳалла „Қариялар кенгаши“ ва маҳалла кенгашидан ўрнак олиб иш юритишлари мумкин. Уларнинг ишлари куйидаги режа асосида олиб борилиши мумкин:

1. Меҳрибонлик уйлари мактаб маъмурияти билан келишиб, ота-оналар мажлиси уюштириш, таълим-тарбия жараёнига оид масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг ечимини топиш, амалга оширишда фаол қатнашиш.

2. Меҳрибонлик уйларида ҳуқуқий тарбияни кучайтириш ва қонунларга онгли ёндашиш хислатларини синдириб бориш; суд, прокуратура ходимлари билан учрашувлар, жиноятга оид очиқ судлар ўтказиш каби тадбирларни уюштириш:

а) Меҳрибонлик уйларида ва маҳалла болалари билан ишлайдиган адлия ва милиция ходимлари билан Меҳрибонлик уйларида, жамоат жойларида рейдлар, суҳбатлар ва мунозаралар ўтказиб туриш;

б) суд, прокуратура, адлия ва милиция ходимлари билан Меҳрибонлик уйларидаги тарбияси оғир болалар, уларнинг оилалари билан ишлаш тадбирлари, давра суҳбатлари уюштириш.

3. Меҳрибонлик уйлари жамоа мулкани эҳтиёт қилиш, бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик. Меҳрибонлик уйи хоналари жиҳозларини авайлашга ўргатувчи ишларни олиб бориш.

4. Ҳомийлар ва маҳалла аҳолиси Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилардан хабар олиб туриш, ёрдам кўрсатиш.

5. Меҳрибонлик уйларидаги ўсмирларнинг одобли, ахлоқчиларини рағбатлантириш, тарбиячиларга раҳмат-

нома эълон қилиш, уларнинг ишларини оммалаштириш, „Устозингга раҳмат“, „Одобингга балли“ каби кўргазмаларни ташкил қилиш.

6. Меҳрибонлик уйларида қизлар ҳаёси, ибоси, турмушга, ҳаётга тайёргарлиги ҳақида баҳс, мунозаралар, қизлар кўрик-танловини ўтказиш.

7. Меҳрибонлик уйларига меҳнат қаҳрамонларини таклиф қилиб, улар иштирокида қобилиятли ўсмир йигит-қизлар мусобақасини уюштириш. Мусобақаларни аввал Меҳрибонлик уйида, сўнг туманда, шаҳарда (истироҳат боғлари, маданият уйларида) ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

8. Тўққиз йиллик мажбурий таълимга ўтиш муносабати билан ўсмир қиз ва йигитларимизни ҳаётга тайёрлаш учун Меҳрибонлик уйи ҳақида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ҳунармандларнинг уйларида касб мусобақаларини ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

9. Соғлом авлодни ўстириш Меҳрибонлик уйларининг ҳам вазифаси бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) санитария ва гигиена ишларига Меҳрибонлик уйлари жамоасининг эътиборини қаратиш;

б) ҳашарлар уюштириш, тозалик, тартиб, кукаламзорлаштиришга эътибор бериш;

в) „Соғлом танда — соғ ақл“ мавзусида суҳбатлар, мунозаралар, учрашувлар ўтказиш;

д) Меҳрибонлик уйларида соғломлаштириш майдончаларини ташкил этиш.

10. Миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни тиклашда ва мазмунини бойитишда Меҳрибонлик уйлари жамоаси, мактаб маъмурияти, ота-оналар қўмитасининг аъзолари ва фаол ўсмирлар билан биргаликда тадбирлар ўтказиш. Меҳрибонлик уйдан чиққан элга машҳур шахсларнинг музейларини ташкил қилиш.

Меҳрибонлик уйларига оталиқ ташкилотлар моддий ёрдам беришлари билан бирга, ўсмирлар ва болаларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириб, ёрдам бериб туришади. Оталиқ ташкилотлар олдига қўйилган вазифалар, уларни ислоҳ талаби асосида Меҳрибонлик уйлари ишининг ташкил этилиши ва ривожланишида иштирок этишлари кўрсатилган.

Авваллари Меҳрибонлик уйларини оталиққа олишни шунчаки бир кўмак деб билишган. Оталиқ ташкилотлар

Меҳрибонлик уйларининг таъмири, уларнинг эҳтиёжи учун баъзи бир моддий ёрдамни бериш билан кифояланар эдилар. Эндиликда эса оталиқ ташкилотлар шартнома асосида ишламоқдалар. Шартномага кўра, Меҳрибонлик уйларини оталиққа олган ташкилот бу ердаги ўсмир ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатларини ташкил қилиш борасида шарт-шароитларни яратиб беришяпти. Масалан, Намангандаги 26- Меҳрибонлик уйини шаҳар сув хўжалиги корхонаси, 17- Автобус саройи ўз зиммасига олган. Ўсмир ва болалар билан ўтказиладиган ҳар қандай байрамларга ҳомийлик қилишади. Моддий жиҳатдан ёрдам, таъмирлаш ишларини ўз зиммаларига олишган. Яқинда шу Меҳрибонлик уйининг ҳудуди тор бўлганлиги учун ёнидаги болалар боғчаси унинг ихтиёрига берилди. Энди бу муассасанинг нафақат ҳудуди кенгайди, балки у спорт майдони ва ўйингоҳларига ҳам эга бўлди. Шу спорт майдони ва ўйингоҳларини жиҳозлашда, тартибга келтиришда Наманган вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги корхонаси катта ёрдам берди.

Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли Қўқон шаҳар А. Ибодиев номли 12- Меҳрибонлик уйида бу борада жуда яхши ишлар амалга оширилмоқда. Бу муассасанинг раҳбари Муборакхон Зокирова оталиқ ташкилотлар ҳомийлигида Меҳрибонлик уйи қошида тикувчилик корхонасини очди. Корхона Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи йигит ва қизларни ишга олади. Бу корхона хайрия жамғармаси ва оталиқ ташкилотларининг моддий ёрдами эвазига қурилган. Қўқондаги Меҳрибонлик уйига шаҳардаги 10- Автопарк ва нон комбинати ҳомийлик қилишади ва яқиндан ёрдам беришади.

Андижон ва Марғилондаги Меҳрибонлик уйларида ҳам оталиқ ташкилотларнинг ёрдамини кўриш мумкин. Лекин шуниси ажабланарлики, ҳеч қандай хусусий фирмаларнинг Меҳрибонлик уйлари учун пул ўтказганлигини ёки байрамларда, саёҳатга чиқишда, дам олишларига имконият яратишганлари, ҳомийлик қилганларининг гувоҳи бўлмадик.

Аммо водийдаги Меҳрибонлик уйларида оталиқ ташкилотларнинг ҳар йили Наврўз байрамини нишонлаш билан биргаликда Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 3—4

нафар болаларнинг хатна тўйларини ўтказиб бериши одатдаги ишга айланган. Бу ишларни яхши йўлга қўйиш Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари ва маъмуриятига, қолаверса, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлигига ва халқ таълими бўлимларига ҳам боғлиқдир.

Шу ўринда Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган хайрли ишлар ва тадбирларнинг аҳамиятини ҳам айтиб ўтмоқ зарур. Бу тадбирлар орасида Президентимизнинг 1993 йил 4 март Фармонида мувофиқ, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод саломатлигини мустақкамлаш, унга ватанпарварлик ва ўз Ватани — Ўзбекистонга меҳр-муҳаббат туйғусини сингдириш ишидаги, болалар манфаатлари йўлида хайрия фаолиятини ривожлантиришдаги фаол иштирок этгани учун „Соғлом авлод учун“ Нишонининг тавсия этилганлиги, шунингдек, 2000 йил „Соғлом авлод йили“ деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган „Соғлом авлод“ давлат Дастури қабул қилинганлиги ҳам катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга молик ишлардир. Бу тадбир ҳар бир Меҳрибонлик уйи тарбияланувчисида соғлом, бақувват, ақлли боланинг тарбияланиши лозимлигини ва бу борада республикамиз ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг халқчил эканлигига ёрқин мисоллардир. Оталиқ ташкилотлари қўмагида тарбия ва ҳар хил касбларга оид тўғарақлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. „Саломатлик“, „Шахсий гигиена“, „Ўзбек халқ рақслари“, „Ўзбек халқ кўшиқлари“, „Маърифатнома“, „Одобнома“, „Руҳшунослик“, „Марказий Осиё адабиёти тарихи“, „Адабий ёдгорликлар билан танишиш“ каби кечалар, давра суҳбатлари уюштириш ҳар хил ташкилотларнинг қошида кичик-кичик корхоналар очиб, катта ёшдаги ўсмир ўғил-қизларни қизиқтирадиган тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, наққошлик, ганчкорлик устаноналари очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат фақат ўз қобилигига ўралган ҳолда ривожлана олмайди. Жаҳон тараққиёти тарихидан шу нарса маълумки, барча ривожланган мамлакатлар ўз ютуқлари билан бирга, дунё халқлари ютуқларини эгаллаб, такомиллаштиригандагина улкан муваффақиятларга эришганлар. Шунинг учун ҳам Меҳрибонлик уйлари ўсмирларининг энг иқтидорлиларини давлат ва нодавлат, ота-

лик ташкилотлар ёрдами билан чет элларда ўқитилса, у ердаги маданият, фан-техника ютуқларини эгаллаб, озод Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи фарзандларга айланадилар. „Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин. Токи биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!.. Обод бўлсин юртимиз, шод бўлсин кўнглимиз!“ — дейди Президентимиз И.А. Каримов¹.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий гурурини тарбиялаш борасида оталиқ ташкилотларнинг қиладиган ишлари қуйидагилардан иборат:

— Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ўсмир ёшлари атроф-муҳитни тўғри идрок қилишда, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, уларга камтарлик, олижаноблик, ғамхўрлик, меҳнатсеварлик, мурувватлилик ҳисларини шакллантиришда тарбиячиларга ёрдам кўрсатиш;

— тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, тўғарақларга қатнашишларини, ҳунармандчиликка ўрганишини таъминлаш, тарбияси оғир ўсмирга жамоатчилик фаолларини бириктириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш ҳам яхши натижа беради;

— Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида нафосат оламини тўғри тасаввур қилиш ва шакллантириш учун миллий урф-одатлар, азалий удумлар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланиш. Меҳрибонлик уйи, мактаб, маҳалла аҳли, оталиқ ташкилотлар ҳамкорлигида тадбирлар (байрамлар, ҳашарлар, хотира куни, Наврўз, ҳосил байрами ва бошқалар) ўтказиш;

— маҳаллаларда ҳунармандлар фаоллигида тарбияланувчи ўсмирларни миллий каштачилик, зардўзлик, устачилик ва бошқа миллий ҳунарларни эгаллашлари учун шароит яратиш;

— Меҳрибонлик уйларида ҳар бир гуруҳдаги ўсмир болаларни ҳисобга олиш, ўқишлари ва ўзлаштиришлари паст, мактабга бориб-бормайдиганларни ҳисобга олиш, тадбирлар белгилаш, уларга нисбатан зарур чоралар кўриш;

¹ Каримов И.А. „Биздан озод ва обод Ватан қолсин“, Т., „Ўзбекистон“, 1994, 14- б.

— маҳалла қўмитаси хотин-қизлар уюшмаси билан биргаликда қизлар тарбияси, уларни шарқона оилавий ҳаётга тайёрлаш учун тадбирлар белгилаш;

— одобли тарбияланувчиларни оталиқ ташкилотлар ва маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда тақдирлаш.

Меҳрибонлик уйларининг мактаб ва жамоатчилик, оталиқ ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳозирги кунда жуда долзарбдир. Чунки Меҳрибонлик уйларининг мактаб, жамоатчилик ва оталиқ ташкилотлар билан ҳамкорлигининг ўзи мураккаб жараён бўлиб, бунда тарбиячи-педагоглардан ташқари, ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар. Ҳозирги кунга келиб, жамоатчиликнинг тарбия борасидаги усуллари, шакллари ва мазмунлари бойиб бормоқда. Жумладан, Меҳрибонлик уйлари ўсмирларини ва мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида стипендия бериш ёки тарбияси оғир бўлган болаларга моддий ва маънавий қўмаклашувда тадбиркор ташкилотларнинг ёрдами кучаймоқда. Бу борада „Болалар жамғармаси“, „Соғлом авлод учун“ жамғармаларининг фаолияти самаралидир.

Демак, Меҳрибонлик уйлари, маҳалла қўмитаси, мактаб ва оталиқ ташкилотларнинг ҳамкорлиги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурур туйғусини шакллантиришда ва ватанпарварлик сифатларини камол топтиришда тарбиячи-педагогларнинг ташкилотчиликлари муаммони ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз И.А. Каримов шундай ёзади: „Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини муҳассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла, мактаб, оила ҳаракатларини амалга оширишда жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағни аямасликлари керак“¹. Бу фикрлар бевосита Меҳрибонлик уйларига ҳам тегишлидир.

Меҳрибонлик уйлари ва жамоатчилик ҳамкорлигида куйидаги иш услублари мавжуд:

— Меҳрибонлик уйларида педагогик билим бериш университети, шарқона тарбия тажрибаларини ўрганиш, са-

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т., „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни. 1999, 16- б.

вол-жавоб кечалари, гуруҳлараро мусобақалар, энг озода гуруҳ, энг одобли бола сингари танловлар ўтказиш;

— Меҳрибонлик уйлари билан оталиқ ташкилотларнинг биргаликда ишлаши: уларнинг таъмир ишларига, хоналарни, спорт майдончаларини жиҳозлаш, теварак-атрофни ободонлаштиришда кўмаклашуви;

— ўсмирлар билан жонажон ўлка бўйлаб саёҳатлар уюштириш. „Балли, қизлар“, „Балли, йигитлар“, „Нима, қаерда, қачон?“ каби мусобақалар, касб ҳақида суҳбатлар, тўғараклар, шуъбалар ташкил этиш.

ХУЛОСАЛАР

Ислоҳотлар тамойилларининг таркибий қисмларидан бири кучли ижтимоий сиёсат бўлиб, у давлат бошқарувида, уни иқтисодий-маънавий ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади ва касб этмоқда. Чунки, унинг маъно моҳияти ва амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, юртимизда тинч-тотувлик, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтож кишилар ҳимоясини ташкил қилишдан иборатдир.

Жадал олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат аждодларимиздан мерос бўлиб қолган миллий қадрият ва анъаналар, урф-одатлар, муқаддас ислоний қадриятлар, асрлар давомида шаклланиб келаётган иқтисодий-ижтимоий педагогик қарашларни қиёсий ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, унга янги замонавий ижтимоий муаммоларни татбиқ этиш орқали вужудга келган фикрларни сингдириш асосида яратилганлиги билан қимматлидир.

Юртбошимиз раҳнамолигида яратилган бу сиёсат Меҳрибонлик уйлари ҳам бевосита дахлдор. Чунки, бу давлат муассасасида етим-есирлар, ота-онаси қаровидан маҳрум бўлган болалар яшайдилар ва тарбияланадилар. Уларнинг моддий, таълим ва тарбиявий таъминоти, хуллас, барча эҳтиёжлари давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Шунинг учун Меҳрибонлик уйларидаги тарбияланувчилар Ватанидан, халқидан, ҳукуматидан, унинг Президенти гамхўрлигидан фахрланадилар, уларга эътиқод қўядилар. Шу эътиқод ва фахр-ифтихор туйғулари миллий ғурур сифатида шаклланади.

Шундай экан, Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий гурурни тўғри шакллантириш ва тарбиялаш бугунги куннинг асосий мақсади ва муқаддас вазифасидир. Дарҳақиқат, ижтимоий-педагогик, маънавий-маърифий, диний-ахлоқий, маданий-эстетик ва жисмоний тарбиянинг миллий истиқлол ғояси асосида ташкил қилиниши миллий гурурни шакллантиришга хизмат қилади.

Таҳлиллар, қиёсий таҳлиллар, олиб борилган тадқиқотлар, муаммо бўйича ўтказилган эксперимент-тажрибалар, олинган натижалар асосида қуйидаги илмий хулосаларга келиш мумкин:

1. Мустақиллик давридаги ислохотларнинг биринчи босқичида бутун халқни, асосан, ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашда кўзда тутилган мақсадларга эришилди. Бу даврда ёш авлод миллий қадриятлар ва анъаналарнинг туб моҳиятини тушунди. Ўтмишда аждодларимизнинг жаҳон фани равнақига қўшган буюк таълимоти билан яқиндан танишди. Бошқача айтганда, ёш авлод ўзлигини англади.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида, ёш авлод ўзлигини англаш натижаси ўлароқ, маънавий-ахлоқий, диний-ахлоқий, маданий-эстетик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва жисмоний жиҳатдан қарашлари чуқурлаша бошлади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида илгари сурилган педагогик ғоялар ҳамда миллий истиқлол ғояси муҳим ўринни эгаллади ва шу ғоялар педагогик-методологик йўналишни кўрсатиб берди.

2. Юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб „Аввал иқтисод, кейин сиёсат“ деган халқпарвар шиорни ўртага ташлади. Ва айнаи чоғда, бу ҳикматли фикр ислохотнинг тўртинчи — Кучли ижтимоий сиёсат тамойилида ўз ифодасини топди. Унда етим-есирларни ҳар томонлама ҳуқофаза қилиш асосий ўринни эгаллаган эди.

Дарҳақиқат, Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия равнақи, ўсмирларнинг миллий гурурини тарбиялаш ва юксалтириш сингари ижтимоий-педагогик вазифаларни амалга оширишда кучли ижтимоий сиёсат яратиб берган имкониятлар салмоғи катта бўлиб, тарбиявий ишлар юқоридаги масалани сифатли ҳал қилишга йўналтирилди.

3. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий гурурини шакллантириш, тарбиялаш ва такомиллаштириш жараёнларини пухта таҳлил қилиш, шу муҳим

муаммони ҳал этиш мақсадида ўтказилган дидактик тажрибалар шуни кўрсатдики, ўсмирларда эътиқод, ватанпарварлик, халқпарварлик, мардлик ва жасурлик, миллий тафаккур, метин ирода, кучли хотира ва миллий туйғулар орқали вужудга келадиган миллий ғурурни тарбиялашда миллий қадрият ва анъаналар, урф-одат ва удумлар, тарихий халқ қаҳрамонлари ва давлат арбоблари фаолияти, халқ оғзаки ижоди, адабиёт ва санъат, ҳозирги мустақиллик даврида содир бўлаётган оламшумул воқеа ва ҳодисалар, дарслар ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар педагогик-психологик омил ва воситалар сифатида муҳим роль ўйнайди.

4. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг миллий ғурурини шакллантиришда уларнинг оила муҳитида тарбияланувчи, ота-онаси бағридаги болалардан фарқ қиладиган ботиний туйғуларини, маънавий-руҳий ҳолатларини ва феъл-атворларини ўрганиш муҳимдир. Шу илмий ва амалий жараёнлар давомида миллий ғурурни тарбиялаш каби долзарб ва мақсадли вазифани амалга ошириш маънавий-руҳий, маънавий-ахлоқий, маданий-эстетик, педагогик-психологик, дидактик тарбия билан бевосита боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, тарбия мазмунини бойитишга хизмат қилади.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларнинг руҳий кечинмалари ўртасида тафовутлар мавжуд. Шу тафовутларни имкони борича болаларга эслатмаслик учун педагоглар томонидан ўтказиладиган турли-туман педагогик тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

5. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар шуурига миллий истиқдол ғояси асосида миллий ғурур тушунчасини сингдириш ҳозирги даврнинг муҳим ва зарурий талабларидан бири ҳисобланади. Бу сиёсий-педагогик, маънавий-мафкуравий вазифани амалга оширишда педагогларнинг педагогик маҳорати асосий ўринни эгаллайди. Педагоглар бу ишларни дарс жараёнида ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар орқали амалга оширадilar. Шунинг учун улар ўсмирлар руҳига миллий ғурурни сингдириш ижодкоридирлар. Бунда, албатта, педагог ижодкорлар, аввало, ўз бурчлари ва масъулиятини ҳис этишлари, қолаверса, педагогик одобини, вазифаларини, ўсмирлар

билан муомала-муносабат одобини эгаллашлари, шунингдек, педагоглик маҳоратини муттасил ошириб боришлари муҳимдир.

6. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирлар миллий ғурурини тарбиялаш учун педагоглар тарбиянинг оптимал шакл ва усуллари ишлаб чиқишлари ва ишни шу йўсинда ташкил этишлари зарур.

Бунда педагоглар куйидаги усуллардан фойдаланишлари мумкин:

- а) суҳбат;
- б) савол-жавоб дақиқалари;
- в) саёҳатлар уюштириш;
- г) баҳс-мунозара кечалари;
- д) учрашув кечалари;
- е) спорт мусобақалари;
- ё) оммавий ҳашарлар ва шу кабилар.

Шу тадбирлар ўсмирлар руҳига самарали ва ижобий таъсир кўрсатиш қудратига эга. Улар ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш ва тарбиялашга ёрдам беради. Ва айни чоғда, ўша педагогик-дидактик-психологик тадбирлар натижасида ҳосил бўладиган фикрлар мажмуаси миллий ғурурни тарбиялаш мазмунини белгилайди.

7. Меҳрибонлик уйи билан оталиқ ташкилотлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маданий-оқартув муассасалари, маҳалла, жамоатчилик ўртасидаги мустақкам алоқалар ўсмирларда миллий ғурурни юксалтириш жараёнидаги ижтимоий-педагогик ҳодисадир.

Ва ниҳоят, ўсмирлар миллий ғурурини тарбиялаш асосида уларни ижтимоий ҳаётга, оилавий турмушга жамиятнинг фаол иштирокчиси ва мустақилликни, ҳуқуқий фуқаролик асосидаги демократик жамиятни мустақкамлаш ҳамда ривожлантиришга хизмат қиладиган баркамол инсон қилиб етиштириш биринчи навбатдаги вазифадир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Меҳрибонлик уйларига ғамхўрлик кучли ижтимоий сиёсатнинг негизи сифатида	8
Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида миллий ғурурни таркиб топтириш ва тарбиялашнинг ўзига хос педагогик хусусиятлари	17
Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни такомиллаштиришнинг педагогик омиллари	38
Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи педагог- ларнинг ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш маҳоратларини такомиллаштириш	56
Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни шарқона анъаналар асосида тарбиялашнинг шакли, маз- муни ва усуллари	70
Ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялашда Меҳрибон- лик уйи билан оталиқ ташкилотларнинг ўзаро ҳамкор- лиги	81
Хулосалар	91

Ўғилой Асқарова

МИЛЛИЙ ФУРУР ТАРБИЯСИ

(Меҳрибонлик уйлари мисолида)

Тошкент „Ўқитувчи“ 2003

Таҳририят мудири *С. Очил*
Муҳаррир *Ҳ. Юсупова*
Бадий муҳаррир *Ф. Некқадамбоев*
Техник муҳаррир *С. Турсунова*
Компьютерда саҳифаловчи *С. Мусажонова*
Мусаҳҳиҳ *М. Иброҳимова*
Кичик муҳаррир *М. Ҳошимова*

ИБ 8143

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди 06.01.2003.
Бичими 84x108/32. Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет
босма усулида босилди. Босма т. 6,0. Шартли б.т. 5,04.
Шартли кр.отг. 5,25. Нашр. т. 5,0. 1000 нусхала босилди.
Буюртма №2001.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 12—149—02.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 1- бос-
маҳонасида босилди. Тошкент, Сағбон 1- берк кўчаси.
2- уй, 2003.



Ўғилой Асқарова Андижон вилоятида таваллуд тошган. У умумий ўрта таълимни Андижонда олган, сўнгра Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган.

Ёш олима миллий гуруҳ тарбияси масаласига қизиқдики, бу ҳозирги куннинг долзарб ва муҳим мавзусидир. У. Асқарова „Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий гуруҳни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари“ мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозир у Наманган Давлат университетида доцентлик вазифасини бажармоқда.

“О‘QITUVCHI”